Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

19 (438)

YURIDIK GAZETA

May 2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Хотира — руҳий қувват

Махлуқотларнинг олийси саналмиш инсонга қалб каби бебаҳо неъмат ато этилган. Руҳият, онг, шуур, ақл, зеҳн сингари ҳамроҳлари уни бошқа махлуқотлардан олий дейишимизга асос бўлади. Инсон ўз руҳияти оламида қалб кўзгуси орқали ўзга яралмишлар кўролмас нарсаларни кўради. Ушбулар ёрдамида шодлигу рутубатни ҳис этади. Миллионлаб туйғуларга маскан қалбида бир туйғунинг барисидан устунлигини ҳам англайди. Шунданми, у ўзгача эъзозланади, унга кўп эҳтиёжманд бўламиз.

«Бу — муҳаббат туйғуси-да» дейишингиз мумкин, азиз муштарий. Тўғри, сиз янглиш ўйламадингиз. Муҳаббат — эъзозланишга, эҳтиёжманд бўлишликка арзирли туйғу. У кимга ёки нимагалигидан қатъи назар улуғвордир. У инсонга иродаси-ю, меҳру вафосини танитиш кучига эга. Шу хусусиятларни жам этган муҳаббатдан-да буюк, муқаддас бир туйғу бор-ки, унинг номи хотира! Хотира бор экан, муҳаббат мангу. Хотирлаш, ёд этиш натижасида пайдо бўладиган руҳий қувват инсонни бардошли этади.

Бу фоний дунёдан ким олдин, ким кейин ўтар экан, яқинларидан ажраб ортда қолгучилар ширин хотиралар билан овунадилар. Ёд этилганлари учун ҳам марҳумлар жисман йўқ, аммо хотиротларда мангу яшайди. Хотиралар эса бизга гоҳ аччиқ, гоҳ ширин кунларни эслатиб қалбимизни бир қадар улғайтади. Ўтган биродарларимизни эслаш, руҳларига яратгандан шодумонлик тилаш, бизнинг тириклик фарзимиздир. Уларни нафақат ёд этиш, хотирлаш, балки хотирасини абадийлаштириш авлодлар олдидаги қарзимиз эмасми? Шу бахтли кунларимизга пойдевор қўйган ва айнан шу учун «Халқ душмани»га айланган аслида эса чин маънода халқнинг дўсти бўлган аждодларимиз жаҳолат қурбонлари бўлдилар. Аллоҳга шукурки, улар меросини абадийлаштириб, ёш авлодга кўз-кўз этиш бахтидан бугун мосуво эмасмиз, азиз Ватандош! Улар кўрган кунларни ёдга олиб, хотиралар билан ўртоқлашиш бизни ўтмиш билан ўртоқлаштиради. Хотирадек муқаддас туйғу таъсирида қалбимизда фидойи аждодларга нисбатан чин ворислик ҳисси уйғонади. Зеро, халқ озодлиги, юрт ободлиги йўлида қурбон бўлганларга ворис ўлмаклик буюк шараф. Улар хотирасини абадийлаштириш йўлида қўйган ҳар қадамимиз, қилган энг кичик амалимизда бунёдкорлик, мардлик ва чин фарзандлик мужассамдир. Барчамизга хотиранинг муқаддаслигини ҳис этиб, қадрлаб яшаш бахти муяссар бўлсин!

Мактуба МЎМИНОВА

Senat a`zosi fikri

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг У ялпи мажлисида Президентимиз Ислом Каримов нутқларини эшитар эканман, уларнинг саммият ва катъият билан ифода этган фикр-мулоҳазалари моҳиятида халқимиз, оддий фуқароларнинг дилидаги гаплар мужассамланганини ҳис қилдим. Ва беихтиёр, тезроқ ортга қайтиб, мазкур йиғилишда ўзим англаган ҳақиқатларни узоқ қирлар бағрида жойлашган қишлоғимдагиларга етказсам деб ошикдим. Мен учун Ватан кindик қони тўкилган юрт — шу Қумқишлоқдан бошланади. Мана шу жойда яшовчи минглаб юртошларимнинг орзу-истакларини амалга ошириш вазифаси елкамга юкланиб, депутатликка сайландим ва Олий Мажлис Сенатининг аъзоси бўлдим.

Зокиржон ЗУННУНОВ,
Олий Мажлис Сенати қўмита раисининг ўринбосари

Ижтимоий фаоллик – тараққиёт кафолати

Сенатнинг ялпи мажлисидан янги масъулият билан қишлоғимга қайтдим. Туман ҳокими билан қишлоққа кириб келганимда, шу ерлик ёш-у қари, эркак-аёллар бизни қаршилашди. Уларнинг биз сенаторларга умид ва ишонч билан қараётганидан, эндиликда ҳатто мана шундай чекка-чекка гўшаларда ҳам одамлар ўз ҳаёти, Ватан тақдири, келажак авлод истиқболига бефарқ эмаслиқларини тушундим. Бир йил-ярим йил олдин қишлоқ аҳолиси сенаторлар билан бўладиган учрашувларда камнамо эди. Ҳозир эса улар бундай тадбирларда фаол иштирок этиб, ўз муаммолари, таклиф ва мулоҳазалари билан дадил ўртоқлаша оладилар. Бунга яққол мисол сифатида «Қумқишлоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган учрашувда кўпчилик Сенатнинг ялпи мажлисида Президентимиз томонидан келтирилган фикрларни қўллаб-қувватлашганини келтиришимиз мумкин.

Юртбошимизнинг «Сенаторлар маҳаллий кенгашлар депутатлари корпуси билан нафақат алоқа, ҳисобот ва учрашувлар, балки ҳамкорлик қилишлари зарур», дея билдирган истаклари, талаблари қишлоқнинг маҳаллий вакиллари ва Сенат ўртасидаги мазкур самарали ҳамкорликда ўз ифодасини топди, десак муболаға бўлмас.

Жумладан, фуқаро О.Исломқулов шу ерда 80-йиллардан буён чала ётган умумтаълим мактаби қурилишига сенатор томонидан кўрсатилган ёрдам ҳақида сўзлаб, натижада бу қурилиш 2006 йил режасига киритилгани, уч қаватли муҳташам мактаб биноси битиш арафасида эканлигини мамнуният билан тилга олди. Бу эса мамлакатимиздаги ислоҳотлар ҳаётий эканлигининг исботидир.

Шунингдек, Қумқўрғон, Бандихон, Жарқўрғон туманларида ҳам ана шундай жонли учрашувлар ўтказилди. Барча тармоқлар бўйича раҳбарлар, бўлим ва бошқарма бошлиқлари, туман кенгаши депутатлари, сайловчилар вакиллари иштирокидаги мазкур учрашувлар ҳам мулоҳазалар, таклифларга бой бўлди. Учрашув жараёнларида асосий эътибор, Олий Мажлис Сенати аъзолари билан сайловчилар ўртасидаги алоқалар мунтазам йўлга қўйилиши зарурлигига қаратилди.

Шунингдек учрашувда қишлоқ хўжалиги масаласи бўйича кўплаб саволлар туғилди. Жумладан, сайловчи Р.Алматовнинг «фермер хўжалиги томонидан ободонлаштиришга қаратилган ҳомийлик иши рағбатлантириладими?» деган саволига ҳомийлик фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлар учун ҳуқуқий кафолат масалалари тўғрисида қонун қабул қилиш устида иш олиб борилаётгани айтилди. Шунингдек, кўпчилик фермер хўжаликлари ерларини суғориш учун сувни электр насослар ёрдамида 4-5 маротаба кўтариб чиқаришади. Аммо электр энергияси нархларининг юқорилиги туфайли улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг таннархи ошиб кетмоқда. Шуни инобатга олиб, электр энергия тўловлари масалаларини тегишли ташкилотлар орқали табақалаштириб ҳал қилиш таклиф этилди. Шундай қилиб, учрашув давомида таъкидланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳамда Президентимиз томонидан қўйилган устувор мақсад ва вазифаларни бажариш юзасидан дастурий тадбирлар белгилаб олинди.

Демак, эл-юртнинг муносиб вакили сифатида умумдавлат ва минтақавий манфаатлар мутаносиблигини таъминлаш маҳаллий кенгаш депутатлари, сенаторларнинг асосий вазифаларидан биридир. Юксак ишонч ва ваколатга эга бўлган биз сенаторлар халқимизнинг умид ва истаклари йўлида ўз билимимизни, кучимизни, меҳнатимизни сафарбар этишимиз, тинмай изланишимиз лозим.

Respublika Bosh prokuraturasida

Депутат билан учрашув

XXI аср «Ахборотлаштириш асри» деб аталади. Ахборот ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни юксалиб бораётган бир вақтда тўғри ва холис ахборотга бўлган талаб тобора кучайиб бормоқда. Оммавий ахборот воситалари орасида матбуот алоҳида ўрин тутади.

Республика Бош прокуратурасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг матбуот, ахборот ва информацион технологиялар масалалари қўмитаси раҳбари ва журналистларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси, таниқли журналист Хуршид Дўстмуҳаммад билан бўлиб ўтган мулоқотда ушбу мавзу ҳақида сўз юритилди.

Таниқли публицист Х.Дўстмуҳаммаднинг ўзбек матбуоти, унинг ютуқ ва камчиликлари, журналист зиммасидаги масъулият, ахборот хуружига қарши курашиш муаммолари, оммавий ахборот воситалари, қонунчиликни янада такомиллаштириш муаммолари ҳақидаги фикрлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Отабек АТАКОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

Anjuman

Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини

Ўтган ҳафта Адлия вазирлигида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг ижросини таъминлашда ОАВнинг ўрни» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Тадбирда оммавий ахборот воситаларининг жамиятимизда тутган ўрни, матбуот соҳасида эришилаётган ютуқлар, камчиликлар ва уларни ҳал этиш усуллари ҳақида фикрлар билдирилиб, ОАВ фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши лозимлиги таъкидланди. Сўнгги йилларда бу борада анча ижобий силжишларга эришилган бўлса-да, ОАВни фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида ўрин топишида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар анчагина эканлигига эътибор қаратилди.

Семинар кенгаш иштирокчилари юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар юзасидан ўз фикрлари билан ўртоқлашиб, муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар ҳамда келажакда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан келишиб олдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Xabar

Прокурор хотирасига бағишланди

Ўтган ҳафта Андижон вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят маданият ва спорт ишлари қўмитаси, вилоят прокуратураси ташаббуси билан Андижон шаҳар прокурори, марҳум Ғанижон Абдураҳимов хотирасига бағишлаб Жалолқудуқ туманидаги педагогика касб-ҳунар коллежида «Ёшлар терроризм ва диний экстремизмга қарши» шиори остида тадбир бўлиб ўтди. Тумандаги мактаб ўқувчилари ҳамда коллеж талабалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг учрашуви савол-жавобларга бой бўлди.

Шунингдек, ўсмирлар ўртасида шарқона якка кураш бўйича спорт мусобақаси ҳам ўтказилди. Мусобақалар аввалида Ғ.Абдураҳимовнинг порлоқ хотираси ёдга олиниб, унинг меҳнат фаолияти ҳақида ёшларга маълумотлар берилди.

Мусобақа ғолиблари тадбир ташкилотчилари ҳамда ҳомийларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

И.НИЗОМОВ,
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

СВОЖҚК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Учқўприк туманида фуқаро Д.Тошпўлатов бошқарувидаги «ГАЗ-53» русумли автомашинада «Кўқон ёғмой» МЧЖдан юкланган, «Истиқбол» ШХ ғазначиси А.Мўминов номига расмийлаштирилган 6800 кг. кунжара фуқаро А.Улкаровнинг хонадонига 680 минг сўм эвазига туширилаётган вақтда ушланди. Текширувда «Истиқбол» ШХ тугатиш комиссияси раиси З.Зиёев ғазначи А.Мўминов билан олдиндан келишиб, хўжалик аъзоларига тарқатилиши лозим бўлган 30 тонна кунжарани фуқаролар Ф.Ашуров, М.Тўрақулов ва Н.Мадраҳимовларга 2 млн. 175,6 минг сўмга сотиб, савдо пулларини ўзлаштирганлиги маълум бўлди. Д.Тошпўлатов, Ф.Ашуров, М.Тўрақулов ва Н.Мадраҳимовлар ҳам ушбу кунжарани 3 млн. сўмга қайта сотиб, даромад олганликлари аниқланди.

Гулистон туманидаги «Элмурод» ФХ раҳбари Б.Абдуллаев «Гулистон нефт базаси» унитар корхонаси Сирдарё туман филиалидан шартномадан ташқари 1 млн. 800 минг сўмлик ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини олиб, кейин маҳсулотларни нотаниш шахсларга нақд пулга сотиб юборганлиги аниқланди.

«Пахтабанк»нинг Гурлан туман бўлими хазиначиси Ф.Жуматова ва назоратчи Ҳ.Маткаримовалар олдиндан тил бириктириб, фуқаролар К.Маҳмудова томонидан 2500 АҚШ доллари, Р.Юлдашева томонидан 3000 АҚШ доллари ва С.Саъдуллаев томонидан 4000 АҚШ доллари сотиб олинганлиги тўғрисида қалбаки ҳужжатлар расмийлаштиришгани, аслида 9500 АҚШ долларини номаълум шахсларга сотиб юборганликлари аниқланди.

«Халқбанки» Муборак филиали бош ҳисобчиси Ғ.Хўжагелдиев банк бошқарувчиси Х.Бердиев билан «Ёдгор» ХФнинг банкдаги ҳисоб рақами туман ДСИ томонидан ёпилган бўлишига қарамасдан фирма фаолиятини юритиб, махсус рухсатномасиз 2003-2004 йиллар давомида 79 млн. 700 минг сўмлик ўлгуржи савдони амалга оширганликлари аниқланди. Ғ.Хўжагелдиев банкда бош ҳисобчи бўлиб ишлаши билан бирга «Ифтихор» КТИЧКнинг бухгалтерия ҳисобини ҳам юритиб, корхонанинг 5 млн. 300 минг сўм маблағини «Ёдгор» ХФ ҳисоб рақами орқали омонат жамғармасига ўтказиб олиб, жуда кўп маблағларни талон-тарож қилганлиги аниқланди.

Қоровулбозор туманидаги «Қоровулбозор қурилиш-таъмирлаш монтаж бошқармаси» корхонаси мансабдорлари жами 26 турдаги қурилиш молларини корхона эҳтиёжлари учун қиммат нархларда сотиб олиб, корхонага 6 млн. 614,6 минг сўмлик зарар етказганликлари аниқланди.

Янгибозор туманидаги «Анвар-Амирхон» ФХ раҳбари А.Жуманиёзов қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ажратилган 32,6 га. экин майдонидан 4,5 гектарини фуқаролар У.Мадраҳимов ва И.Рўзиевга фойдаланиш учун бериб, улардан 1 млн. 500 минг сўмни пора тариқасида олган вақтда ушланган.

Тошкент туманида яшовчи С.Саматов божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасидан олиб ўтган 3 млн. 400 минг сўмлик кийим-кечакларни ўз уйида Ж.Сиддиқов бошқарувидаги «Нексия» русумли автомашинага юклаб, Тошкент шаҳрида сотиш мақсадида олиб кетаётган вақтда ушланиб, маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Ўзгаларнинг ҳақи

Халқимизда ўзгалар ҳақига кўз олайтириш, омонатга хиёнат қилиш гуноҳи азим ҳисоблананди. Бундай ишга қўл урган одамнинг эса эл орасида обрўси тўкилади.

Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш бугунги кунда ҳам давлатимизнинг диққат эътиборида турган долзарб вазифаларидан биридир. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шу вазифани ҳал этишга қаратилган бўлиб, унинг ижроси таъминланиши Қорақалпоғистон прокуратураси органларининг доимий назоратида турибди. Лекин кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, айрим хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида қонун бузилишлари содир этилмоқда.

Шаҳар ва туманлар миқёсида ишлар аҳволи таҳлил қилинганда Қўнғирот, Тўрткўл, Амударё туманлари, Нукус ва Тахиатош шаҳарларида иш ҳақидан қарздорлик юқори эканлиги маълум бўлди.

Халқимизда ўзгаларнинг ҳақи тешиб чиқади деб бекорга айтилмаган. Бу нақлнинг мағзини чақиб кўрмаганлар эса талайгина. Жумладан, Хўжайли туманидаги «Амударё» деҳқон ва фермерлар уюшмасининг собиқ мансабдорлари Ю.Бекмуратов ва бошқалар давлат аҳамиятига молик бу вазифанинг моҳиятини тушунганларида жиноятга қўл урмаган бўларди. Улар 2004 йилнинг октябр ойида ведомостдаги имзоларни қалбакилаштириб, 9,4 миллион сўмлик иш ҳақини ўзлаштириб юборишган. Тўрткўл туман халқ таълими бўлимига қарашли. 20-болалар боғчаси мудираси Н.Саттарованинг ўз ўғли Х.Матиевни мудир ўринбосари бўлиб ишлайди деган сохта ёзув билан 2005 йилнинг 7 ойида давомида 115.247 сўмни ўзлаштирганини қандай оқлаш мумкин.

Хўжайли туман прокуратураси томонидан тумандаги 4-сонли ўқувчиларни касбга тайёрлаш мактабида текшириш ўтказилганида эса унинг раҳбари А.Абдужамилов ўз хизмат вазифасидан устамонлик билан фойдаланганлиги фош этилди. Директор 2004 йил сентябр ойида ишдан бўшаган Н.Воҳидовга 2005 йил сентябригача информатика фанидан дарс ўтди деб, ведомостга унинг ўрнига ўзи имзо қўйиб, иш ҳақини ўзлаштириб келган. Ана шундай нопок шахсларнинг касрига иш ҳақидан қарздорлик вужудга келган.

Прокуратура аралашувидан сўнг 19 млн.сўмдан ортиқ тўланмаган иш ҳақи ундирилиб, судларга 41 млн. сўмдан ортиқ иш ҳақини ундириш ҳақида 94 та даъво аризаси киритилди ҳамда 8 та жиноят иши қўзғатилиб, айдорлар қонун олдида жавоб беришди.

А.МАМБЕТНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори

Сабаб ва сабоқлар

Аёллар томонидан жиноятлар содир этилишининг асосий сабаби, уларнинг қонунни билмасликлари ёки енгил даромад орттириш мақсадида жиноят йўлига кириб қолишларидир.

Ушбу гаплар умум тан олинган қоида даражасига етиб қолган бўлса-да, аммо аёлларнинг енгил даромад топиш мақсадида жиноят йўлига кириб қолишлари қаётда кўпроқ учрайди.

Масалан, 2005 йил 12 май куни Келес темир йўл бекатида Тошкент-Москва йўналиши бўйича қатновчи поезд йўловчилари божхона кўригидан ўтказилган. 15-вагонда кетаётган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 14-мавзеда яшайдиган фуқаро З.Айсуковадан декларацияда кўрсатилмаган ва божхона ходимларининг оғзаки сўровида тақдим этилмаган 7.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул топилган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилганда, у бу пулни декларацияда кўрсатиш шарт эканлигини билмаганлигини ва бир томондан декларацияда кўрсатишдан қўрққанлигини, Қозоғистон ҳудудида милиция ёки божхона ходимлари шахснинг декларацияда пули борлиги кўрсатилгани ҳақида билишса олиб қўйишлари мумкинлигини айтган.

Фарғона вилоятида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган, 2-гуруҳ ногирони О.Абдуллаева ҳам Келес темир йўл бекатида божхона ходимлари томонидан текширилганда 3.900 АҚШ долларини декларацияда кўрсатмасдан ва божхона ходимларининг оғзаки сўровида тақдим этмасдан олиб кетаётганлиги учун ушланган. Дастлабки терговда О.Абдуллаева ушбу пулларни қўшниларидан қарзга олиб, тирикчилик қилиш мақсадида Россияга олиб кетаётганлигини, Қозоғистон ҳудудида божхона ва милиция ходимлари олиб қўйишидан қўрққанлиги учунгина декларацияда кўрсатмаганлигини, оилавий шароити жуда оғир эканлигини, қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини айтган.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Бобур кўчасида яшовчи 1950 йилда туғилган фуқаро Ф.Валиева ҳам қонунни билмаслиги оқибатида 2.220 АҚШ доллари ва 770 евро миқдоридаги чет эл валютасини божхона декларациясида кўрсатмасдан Уфа шаҳрига олиб кетмоқчи бўлганида ушланган. Миробод туман судининг ҳукми билан унга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Жиноятларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар аёллар жиноятчилигини оқлаб бўлмайди. Зеро, аёл биринчи навбатда она. У келажак бешигини тебратади. Мўмай пул топиш илинжида юрганлар эса, эркак ёки аёллигидан қатъи назар, бор-йўғидан ажраб қолишини юқоридаги мисоллар яққол кўрсатиб турибди.

Холида САЙДАЗОВА,
Тошкент транспорт прокурори ёрдамчиси

Кима бўлди сизга, одамлар?

Уйимиз пештоқидаги бурчакка бир жуфт қалдирғоч ин қурган. Бир баҳорда улар учиб келишди. Агар эътибор берган бўлсангиз, ана шу митти жониворлар ўз полапонларига эрта-наҳордан жажжи минкорларида ризқ-егуликлар ташишдан чарчашмайди. Ўзи оч қолса-да, галмагал қанча йўл босишиб, ўз зурриёдларини тўйғазишга ҳаракат қилади.

Ҳазрати инсон онгли мавжудот саналади. Аммо ўз фарзандларига бир қушчалик ғамхўрлик кўрсата олмаган ота-оналарни кўрганда ҳар қандай кишининг ғазаби қўзғаб кетади.

Шаҳарнинг «Дарғом» маҳалласида яшаб келган, 4 нафар фарзандларнинг волидаси Нодира Саъдуллаеванинг хурмача қиликлари наинки мусулмончиликка, балки одамгарчиликка ҳам тўғри келмайди. У эри қамоққа тушиб қолгач, енгилгелпи яшаш йўлига кириб, 4 нафар фарзандлари тарбиясини мутлақо унутиб қўйган. Оч ва юпун қолган болалари ҳали у, ҳали бу ердан паноҳ излаб юришган.

Бунга ўхшаш ҳолат биргина бу эмас. Шаҳар прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг тарбияси ва ота-оналар жавобгарлигига доир қонунлар юзасидан шаҳарнинг «Олтин аср», «Файзулла Хўжаев», «Адолат», «Нурафшон», «Мустақиллик», «Ҳазора» каби маҳалла фуқаролар йиғинларида текширишлар ўтказилганида яна қатор аянчли мисоллар гувоҳи бўлдик.

Ўз ўрнида фарзандарига эътиборсиз бўлган ота-оналарга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Аммо бу билан қалбларида бир қушчалик меҳри йўқ кимсаларни тўғри йўлга солиб бўлармикин?

Ёлғизликдаги ҳаёт қанчалик гулгун бўлмасин, қашшоқликдан иборат эканлигини унутмайлик. Зеро, оила, фарзандларгина инсон умрига тўкислик, бахт-саодат келтириши мумкин.

Галина БУРХОНОВА,
Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Ишчилар ҳуқуқи тикланди

Навоий шаҳрида жойлашган «Таъмирхилмонтаж» ишлаб чиқариш корхонасининг 20 нафар ишчи-ходимлари ўтган йилнинг декабр ойи учун ҳанузгача иш ҳақи ололмаётганликлари ҳақида шаҳар прокуратурасига мурожаат қилишган эди. Мурожаат ўрганилганда, чиндан ҳам корхона кўрсатилган ой учун ишчи ва хизматчилардан 964 минг 200 сўм қарздорлиги аниқланди. Прокуратура аралашуви билан иш ҳақлари ўз эгаларига ундирилиб, корхона директори Ш.Баҳранов МЖТКнинг тегишли моддаси асосида маъмурий жавобгарликка тортилди.

«Навоийазот» ОАЖга қарашли 37-цех ишчиси И.Холбеков ҳам ишлашга ишлаб, кейинги ойлар учун на иш ҳақи, на ногиронлик нафақасини ололмай ҳуноби чиққан фуқаролардан экан. Унинг мурожаати текширилганда чиндан ҳам И.Холбековнинг 271.018 сўмлик иш ҳақи ҳамда 260.706 сўмлик ногиронлик нафақаси тўланмай келинаётганлиги аниқланди.

Шаҳар прокуратураси И.Холбековнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритди. Ҳозирда даъво тўлалигича қаноатлантирилган.

Шунингдек, 4-сонли «Навоий таъмирлаш қурилиш-пайвандлаш» МЧЖнинг 17 нафар ишчилари ҳам ишлаган ойлари учун тўланмай келинаётган иш ҳақларини ундириб берилишини сўраб, шаҳар прокуратурасига мурожаат қилишган эди. Текширишда аризада кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топган. Аниқроғи, 17 нафар ишчи-хизматчиларга жами 4.271.966 сўмлик иш ҳақлари тўланмасдан келинган.

Бу ҳақда фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилгач, масала узил-кесил ҳал этилди. Даъвогарлар манфаати қаноатлантирилди.

Зокиржон БАРНОЕВ,
Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

«Жонли контейнер» қўлга тушди

Хориждан, аниқроғи Хитой «сафари»дан қайтиб келган Натэлла Аганованинг юриш-туришидаги ўзгаришга биров эътибор қилди, биров йўқ. 22 ёшга тўлиб-тўлмай икки бор судланиб улгурган Натэлланинг саркаш ҳаёти якинларини деярли қизиқтирмас, умуман, ундан узоқроқ юришни маъқул кўришар эди. Шунга қарамай, унинг ўзига яраша, ҳаёт тарзига муносиб таниш-билишлари ҳам етарли эди.

Хуллас, хориждан қандайдир режалар билан қайтган Натэлла тезда эски танишлари — Карим Кулиев, Камил Син Гули, Алик Ҳаитбаев, Алиҳан Мамедовларни қидириб топди. Уларни бир жойга йиққан Натэлла гапнинг пўст калласини айтиб қўя қолди:

— Хитойда жиддий одамлар билан танишиб келдим. «Гера» сўрашаяпти. Етказиб беришни бўйнимга олдим...

Эски танишларнинг дами ичига тушиб кетди. Ҳар бири аллақачон жиноят кўчасига кириб улгурган бўлишса-да, героин контрабандаси қанчалар қалтис иш эканлигини улар яхши тушунишарди.

Шерикларининг шаштини кўриб, Натэлланинг энсаси қотди:

— Яна қанча қашшоқ бўлиб яшамоқчисанлар? Бир-икки марта таваккал қилсак, умримизнинг охиригача етадиган пул ишлаб оламиз.

– Қўлга тушмаслигимизга кафолат борми?- сўради беш боланинг отаси Алихан.

— Синалган услубни қўллаймиз, Камил «жонли контейнер» бўлади, — Натэлла шундай деб Камилга ишора қилди. Сўнг унинг «нега энди мен...» деб бошлаган эътирозига эътибор ҳам бермай давом этди:

— Камил энди қиркдан ошган бўлсаям, кўрган одам уни олтмиш яшар беозор чол деб ўйлаши аниқ. Ҳеч ким шубҳаланмайди.

Жиноий гуруҳ анча талашиб-тортишиб режа ишлаб чиқишди. Турган гапки, кимга қанча улуш тегишига ҳам келишиб олишди. Жиноий режага мувофиқ, аввало Сирдарёнинг Ховос шаҳарчасидаги таниш наркокурьерлар орқали Тожикистондан героин олиб ўтиш ва уни Тошкентга келтириш керак эди. Бунинг уддасидан чиқишди ҳам. Энди «оқ ажал»ни Тошкент ҳалқаро аэропорти орқали Хитойга олиб чиқиб кетиш тараддудига тушиб қолишди. Бунинг учун улар 41 та полиэтилен қопчаларга ўралган 173 грамм героинни Камил Син Гулининг ичига юттиришди.

«Жонли контейнер»ни аэропортга кузатиб чиққан Натэлла Камилга хориждаги харидорлар манзилини қайта-қайта эслатаётган бир пайтда улар учун кутилмаган воқеа содир бўлди. Аллақачон уларнинг изига тушган ҳуқуқ-тартибот ходимлари Камилни шу жойнинг ўзида ҳибсга олишди. Тергов давомида жиноий гуруҳ аъзоларидан 1 килограммга яқин героин далилий ашё сифатида олинди.

Тез ва осон йўл билан бойиб кетиш истагида ана шундай оғир жиноятга қўл урган жиноий гуруҳ аъзолари суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Турсунбой ИБРАГИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Эртанги кун умиди



Пешин чоғи «Янги бозор»даги ошхоналардан бирида чой ичиб ўтирган отахонларга ўзимни таништириб, ўтган йил май ойидаги фожеали воқеалардан кейинги ўзгаришлар ҳақида нима дея оласизлар, деб сўрадим.

— Ўша кунлари мен сиҳатгоҳда дам олаётгандим, — деди пенсиядаги Фозилжон ака Турдиев. — Мустақилликни қўлга киритиб, эркинликка эришдик. Лекин янги уй бирданига қурилмаганидай, қўндаланг бўлган иқтисодий қийинчиликлар аста-секин ҳал қилинмоқда. Биз-ку, пенсиядамиз, ёшларни илмли-ҳунарли, фидоий этишга, иш билан таъминлашга эътибор қаратишимиз зарур. Улар тирикчилик важидан ўзларини савдо-сотиққа уришяпти. Давлатимиз томонидан тадбиркор, ҳунармандларга кенг йўл очилмоқда. Аввал иқтисод, кейин сиёсат деганларидай барчамиз ҳамжиҳатликда иқтисодий ислоҳотларга ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Бунинг учун эса ҳамжиҳатлик зарур. Крилов масалидагидай, аравани ҳар ким ҳар тарафга тортса, ўрнидан қўзғалмайди. Тўс-тўполонлар юртнинг тараққиётига тўсиқ холос. Айтишадику, бир кун жанжал чиққан рўзғордан қирқ кунлик барака кўтарилади деб...

Андижонликларга ўша фожеали кунларни эслатиш нечоғлик оғир бўлмасин, террорчилар қўлида ҳалок бўлганлар олдида бош эгган ҳолда, фожеали воқеалар бошқа такрорланмаслиги учун тегишли хулосалар чиқариш, шу асосда тегишли тадбирларни қўллаш зарур. Мақсадлари бир, унга эришиш йўлидаги нуқтаи назарлари турлича фуқароларнинг, фаолларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш фойдадан холи эмас.

Ботиржон Турсунов, «Соймаҳалла» фуқаролар йиғини раиси:

— Бизнинг маҳалламиздан 13 май кунги воқеаларга қўшилиб қолган икки хонадон вакиллари қилмишларининг моҳиятини англаб етишди. Мустақилликнинқўлга киритганимиздан сўнг эришилган ютуқларимизнинг энг катта омили тинчлик-тотувлик бўлди. Қонунларга таяниб, турмушимизни янада яхшилашга фақатгина тинчлик, барқарорлик орқалигина эришишимиз мумкин холос. «Акромийлар», диний оқимларининг пешволари бекорчи ёшларга кўпроқ таъсирларини ўтказишади. Ана шундай пешволар таъсирига тушган 11 нафар ёшларни кўкракларидан итариб, қатордан чиқариб қўйганимиз йўқ. Уларнинг 6 нафари доимий ишли бўлишди, 4 нафарини биз ишга жойладик. Уларнинг оилаларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатаяпмиз.

Иқболжон ака Одилов, шу маҳалла оқсоқоли:

— Норасмий оқимларнинг таъсирига тушиб қолган укаларимиз фожеадан кейин ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишди. Маҳалладаги ободончилик ишларига, тўй-маъракаларга бош қўшишяпти. Битта боши берк-тупик кўчамизда зах сув чиқиб ётганди. Сувни тортадиган 5 метрли иккита бетон чуқур қазилди. Зах кетди. Шароитлари кўтармаётган тўртта оиланинг фарзандларига маҳалла аҳли бош қўшиб суннат тўйи қилиб бердик. Болаларга велосипедлар совға қилдик. Чироқлари ўчиб қоладими, газ пасаядими, муҳтож бўлиб қолишадими, одамлар нима дардлари бўлса, аввало маҳалла фуқаролар йиғиналарига учрайдилар. Ваколатимиз доирасида бўлса ўзимиз, бўлмаса шаҳар ҳокимлигига чиқиб, муаммоларни ҳал қиламиз.

Муҳаммаджон Охунов, ўттиз уч ёшда, икки нафар фарзанди бор. «Ёрбоши» маҳалласида яшайди, новвойлик билан шуғулланади:

— Сойгузардаги янги очилган новвойхонани ижарага олиб, ишлаб юрганимда Акром Йўлдошевнинг «Иймонга йўл» китоби қўлимга тушиб қолди. Бунгача бошқа дин китобларини ўқимаганим учунми, унинг таъсирига берилдим. Новвойхонада тун ярмидан ўтганда хамирқорамиз. Ўтган йили 12-13 майга ўтар кечаси, саҳар 2-3 ларда акам келиб, «биродарлар қўлига қурол олибди», деб бошлаб кетди. Тонг отганда мени йўлда аскарлар ушлаб, ИИБга олиб боришди. Қурол ушламаганим, янглишиб қўшилиб қолганимни айтганимда, мени маҳалла фуқаролар йиғини раиси қўлига топширишди. Кейин билсам, акам бошқа «акромийлар» билан чегарадан Қирғизистонга ўтиб кетган экан. У ҳозир четда. Вақт — ҳакам. Собиқ маслакдошларим — «акромий»лар беҳуда қон тўкишди. Энди кўриб-билиб турибман, юртбузарларнинг қўлида қурол бўлган экан. Ҳозир яна новвойлик қиляпман. Ҳовлимда новвойхона очганман. Оила, маҳалла, юрт тинчлигидан ортиқ неъмат йўқ экан...

Нодирбек Ҳакимов, 34 ёшда, оилали, касби бўёқчи-наққош. «Маориф» маҳалласида яшайди:

— Ҳарбий хизматни ўтаб келганимдан буён хонадонларда уйларга бўёқ, нақш бериш билан шуғулланаман. Қиш ойлари 40-ўрта мактаб қозонхонасида ишлайман. Ўша куни шаҳар марказидаги хонадонлардан бирини таъмирлаш билан шуғулланаётган эдим. Отишма овозларини эштитб, ҳокимият ёнидаги майдонга бориб, ақидапарастларга қўшилдим. «Акромий»лар оқими, уларнинг мақсад-муддаоларидан бехабар тасодифан сафларига кириб қолдим. Менга ўхшаб, беихтиёр қўшилиб қолганлар кўп эди. Хатоимни англаб, авф этишларини сўрадим. Менга ишонишди. Шу ишончга муносиб бўлишим керак.

Маҳаммаджон Исмоилов, Албухорий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Ўша машъум кеч соат 12 ларда ўғлим «дада, отишма бўляпти» деди. Дарров оқсоқолларни огоҳлантирдим. Қамоқхона маҳалламизда жойлашган. Чиқиб борсам, унга ҳужум қилишибди. Маҳбусларни эса қўйиб юборишган. Етти нафар маҳбус, кўчада қаёққа боришларини билмай юришганига кўзим тушди. Улар «қурол тарқатишганди олмадик, юр дейишганди эргашмадик» дейишди. Ораларидан биттаси, «20 йилга кесилганман, ярми қолди, яна устига қўшиб қамашларини истамайман» деди. Уларни маҳалламиз идорасига бошлаб бордим. Тунда яна 4 нафар ўшандай маҳбусларни йўлга солиб, тонгга яқин ҳаммаларини ўз ихтиёрлари билан қамоқхонага олиб бориб топширдик. Уларга ўхшаб, террорчиларга қўшилмай, тентираб юрган ёки қайтиб борганлар оз эмасди. Эрталаб аэропортга бордик. Президент билан учрашдик. «Ёшлар қўшилиб қолмасин» деган йўл-йўриқлар олиб, оқсоқоллар билан болаларимизни террорчиларга қўшилиб қолишдан асрадик. Ўша куни яна 36 нафар маҳбусларни қамоқхонага киргизиб қўйдик. Аёллардан бири йўл чекласида яшикни кўриб қолибди. Ичида граната, ўқлар бор экан. ҳарбий қисмга келтириб бердик. Ҳатто қилмишлари учун жазоларини ўтаётган маҳбуслар ҳам ўз юртдошларига, ўз халқига қурол ўқталиб гуноҳи азимга ботишни истамадилар. Тўғри, террорчиларга қўшилганлари ҳам бор, лекин аксарияти уларнинг қутқусига учмади. Айнан яккаланиб қолганлари туфайли ақидапарастлар ёвуз ниятларга эриша олишмади.

Террорчилар турмуш муаммоларига диний-сиёсий тус бериб ёшларни нотўғри йўлга бошлашларига чидаб бўлмайди. Шу боис шаҳар ҳокими, раҳбарлар барча маҳаллаларга бориб, фуқароларнинг талаб-истаклари, мулоҳазаларини тинглаб, муаммоларини ўрганишди. Уларни ҳал этиш режаларини белгилаб, ишга киришишди. Бизнинг маҳалла ғузарини қайта қуриш лойиҳаси тайёрланди. Канцелярия моллари дўкони, новвойхона, қассобхона, қандолат цехи, косибчилик дўконлари, мебелларни таъмирлаш, телевизор ва радиоускуналарни созлаш устахоналари, 20 ўринли даволаш маркази - поликлиника, ҳаммом кабиларни қуриш режалаштирилди. Шу тарика юзга яқин маҳалладошларимиз ишли бўлишади.

Ҳаж сафарига борганимда Арабистонда яшовчи юртдошларимиздан бири «Жаннатда яшаётганларингни билмайсизлар, қадрига етмайсизлар, биз ўша жаннатга етишолмаймиз» деган эди. Ота-боболаримиз меҳнатда қаварган қўллари билан юртимизни шунчалик ободқилишган. Турмушимизни бекаму кўст қилиш ўзимизнинг қўлимизда.

Насибахон Кабирова «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғини котибаси:

— Маҳалламизда тадбиркорлар турли цехлар очишаяпти. Шаҳодатхон Аҳмедованинг чеварчилик, тикувчилик цехида 20 нафар қизлар ишлашаяпти. Ойбек Йўлдошев стол-стул, турли мебеллар ясайди. Ёш йигитларни шогирдликка олиб, иш ўргатади. Яқинда ҳокимлик томонидан маблағ ажратилиб, кам таъминланган, ёлғиз қизи билан яшайдиган бир аёлнинг уйини таъмирлаб бердик. Бу бизнинг бузғунчи террорчиларга нисбатан ўзига хос жавобимиз бўлди. Маълум бўлганидек, «акромий»лар ёшларни уюштириб, ўзларининг ақидаларини сингдиришган. Террорчилик ҳуружига ҳозирлашган. Ҳозир шахримизда ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Меҳнат ярмаркалари ўтказилаяпти.

Хосиятхон опа Дадабоева, «Хурсандлик» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси:

— Маҳалламизни кулоллар маҳалласи ҳам дейишади. Бу ерда яшовчилар доимо бир-бирларини қўллашади, ёрдам беришади. Тадбиркор М.Ўлмасов бир маҳалладошимизнинг нураган уйи ўрнига янги икки хонали уй қуриб берди. У кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди. Очиқ айтиш керак, табиий газ таъминотида муаммо бор эди. Янгитдан 650 метр қувур ўтказдик. Маҳалламиз шаҳар чеккасида. Зах сувларни қочиргани дренаж зовур қазилди. Ишонаманки, майда-чуйда турмуш муаммоларини рўкач қилиб, ёшларни йўлдан оздиргувчиларнинг уринишлари чиппакка чиқаверади.

Абдулатиф Аҳмедов, Андижон шаҳар прокурори:

— Ҳуқуқ-тартибот органлари жамоатчиликка таянган ҳолда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш, террор ҳуружи оқибатларини бартараф этиш, шаҳардаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш борасида қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ҳамда кўрсатмалари асосида мунтазам равишда режали иш олиб боришаяпти. Диний-экстремистик оқим тарафдорларининг ёвуз ниятларини, жиноий қилмишларини кенг оммага етказиш, уларнинг ноқонуний фаолиятларига барҳам бериш чоралари кўрилди. Террор ҳуружининг билвосита сабабларини, ижтимоий илдизларини ўрганиш ва бартараф этиш тадбирлари изчил амалга оширилаяпти. Шаҳар ҳокими, ИИБ ва бошқа идораларнинг раҳбарлари маҳаллаларга бориб, уйма-уй юриб, фуқароларнинг яшаш шароитлари, турмуш муаммоларини ўрганишди. Одамларни иш билан таъминлаш, иш ҳақи, нафақа тўловларидаги узилишларга чек қўйиш, коммунал хизматлар ҳаққини вақтида тўлаб бериш, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви етказиб бериш ва бошқа турмуш муаммоларини ҳал этиб бориш мақсадида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. «Огоҳлик — давр талаби», «Адолат қонунийлик демакдир», «13 май воқеаларининг сабоқлари», «Диний экстремизмнинг асл мақсадлари нимадан иборат?» каби мавзуларда барча маҳаллаларда, корхона ва муассасаларда, ўқув юртларида юзма-юз мулоқотлар, суҳбатлар ўтказаяпмиз. Маҳаллий матбуот нашрлари, телевидение орқали чиқишларда аҳолини мунтазам равишда ноқонуний диний оқимларнинг таъсирига тушиб қолмасликка даъват қиляпмиз. «Прокуратура ва ёшлар» дастури тайёрланиб, ўқувчи ёшлар ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловлари ташкил этиляпти.

Шахримизда ўтган йилнинг иккинчи ярми ва шу йил биринчи чорагида 5900 дан зиёд иш ўринлари яратилди. Мурожаат қилган 2894 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди. Ўтказилган 11 та меҳнат ярмаркаларида 746 нафар фуқаролар касбкорлари бўйича иш билан таъминланди. Бюджет муассасаларида ишлаётган ходимларнинг иш ҳақидан қарздорлиги бартараф этилди. Иш ҳақи, пенсия ва нафақалар ойма-ой тўлаб борилаяпти. Маҳалла фуқаролар йиғинлари диний оқимларнинг аъзолари, шу жумладан четга чиқиб кетганларнинг муҳтож оилаларига моддий ёрдам кўрсатишаяпти.

Андижон воқеаларининг сабоқларидан бири — давлат бошқарув раҳбарлари, ходимлари фуқароларнинг ташвиш-қувончлари билан яшашлари, уларнинг оғирини енгил қилишга интилишлари, иқтисодий - ижтимоий муаммоларни ҳал этиб бориб, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш учун хизмат қилишлари лозим.

И.ИСРОИЛОВ,
«Huquq» мухбири

Инсон қадри улуғ, инсон

Ўтганлар руҳи

тинч-тотув ҳаётни қадрлашга ундайди



Унинг сўлғин чеҳраси, маъюс нигоҳи бувимнинг учбурчак хатни менга — бешинчи ёки олтинчи синфда ўқиётган набирасига кўрсатган чоғда, юз-кўзларига қалқиган изтиробни эслатади. Ёнида, она қўлларига елкасини қўйиб турган, гўё эл бошига тушган кулфат бирданига улғайтириб қўйган ўспиринининг сиймосида соғинч, умид тош қотгандай. Бехос тасаввуримда она-бола ҳайкалига қайта жон киради. Кўз ўнгимда раҳматли бувимнинг узуқ-юлуқ хотиралари қайта жонланади. Янгичек масжиди маҳалласи. Муқимий кўчасидаги кенг, ярим гектарлик ҳовли ўртасида, катта-кичик мева дарахтлари орасида ёнғоқ дарахти. Ёғоч билан қоқиб туширилган ёнғоқларнинг пўстини арчиб, чорсига тугишяпти.

— Бозорга чиқиб, зора жўхоригами, буғдойгами алмаштириб келсанг. Укангларга кулча ё зоғора нон ёпиб бераман.

Бир этак бола: беш ўғил, икки қизча билан қолган онаизор томи лойсувоқ, олди айвон уйнинг катта хонасига кириб, сўнгги бор, урушга кетишидан бир йилча аввал бирга тушган суратларини кўрпатўшак тахламлари остидаги жавоннинг ғаладонидан олади. Бағрига босади. Овоз чиқармай юмюм йиғлайди. «Бедарак кетди, дегани ўлди дегани эмас, тирик қайтади. Туғилажак кенжа ўғлини кўрмай армонда кўз юмолмайди». Усти юпун озиб-тўзиб, кўзлари ичига ботган болаларининг дастурхондаги нон ушоқларига термулиб ўтиришлари қўлига кетмон тутқазади. Томорқадаги экинларга эгилади. Катталар бири белкурак, бири кетмон тутиб, ёнига киришади. Кунлар, ойлар, йиллар ўтади. Она болаларнинг юракларидаги соғинч армонли бир тугун бўлиб ўртайди. «Акбаралининг дадаси пленда экан. Кепти», умид қайта аланга олиб, жигарбағирларини қуйидиради.

Бувимнинг айтишича 1906 йилда бобом оилада уч қиздан кейин туғилган. Ёлғиз ўғиллиги учун Худоберди деб исм қўйишади. Бобомнинг дадаси заминдор Камолхонбой инқилобдан сўнг ўз ихтиёри билан бегоналарга тақсимлаб берган. Шу тариқа «қулоқ» бўлмай, сургун қилинмай қолган. Кўнгли тинчиб, хотиржам дорулбақога рихлат қилган.

Уруш бошланганида ёш йигитлар сафарбар қилинган бўлса, етти-саккиз ой ўтиб, ўрта ёшли оилалилар ҳам ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йил ёзида шаҳарнинг қунботар «Садҳақ мозор» адирларида 94-дивизия таркибида 36 ёшли бобом қисқа муддатли ҳарбий тайёргарликдан ўтган. Сўнгра фронтга жўнаган. Бобом Худоберди Камолов қуролдошлари билан Сталинград остонасида дастлабки жангда домдараксиз кетган. Ана шундай расмий хат олган юзлаб, минглаб хонадонлар уруш тугагандан сўнг ҳам ўғиллари, акалари, умр йўлдошларини зор интизор бўлиб кутишган. Касби ўқитувчи, узоқ йиллар «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида маҳалладошларига хизмат қилган, ҳозирда диний маърифий тарбиячи бўлиб ишлаётган Тўхтахон ая Ҳошимова сўнгги кунларигача акамдан умидларини узмадилар. «Акамни излаб, ҳарбий комиссариатларга, Москвага — Мудофаа вазирлигига такрор-такрор мурожаат қилдим. Ҳарбий нашрларга хатлар ёздим. Ўша пайтдаги Иттифоқ мудофаа вазирининг ўринбосари қабулига кирдим. Ниҳоят, акамнинг дараги чиқди. Россиянинг фронт чизиғи ўтган Калинин вилояти (ҳозирги Тверь вилояти) Оленино тумани Моткино қишлоғида акамнинг қабри бор экан. 1942 йил 4 декабр куни шу қишлоқдаги жангда оғир ярадор бўлиб, вафот этибдилар».

Мардларча ҳалок бўлган 447-ўқчи батальонининг автоматчилар взводи командири кичик лейтенант Ғанижон Қосимович Ҳошимов Оленино районидаги қардошлик мозорига қайта дафн этилиб, номи бошқа аскарлар қатори абадийлаштирилди. Тўхтахон ая акаси ётган тупроқдан бир ҳовучини олиб қайтди. Охунбобоев туманидаги Сойбўйи маҳалласининг Узумзор кўчаси Ғанижон Ҳошимов номи билан аталди. Тўхтахон ая кўзларида ёш йилтиллаб, сарғайиб кетган фотосуратни кўрсатди. Йигирма тўрт ёшли кичик лейтенант Ғанижон Ҳошимов уч нафар қуролдошлари билан бирга эсдалик учун тушган сурат. Тўхтахон ая акасини излаб топди. Ака васиятини адо этди. Фашизм офатига қарши жангга кириб, уни енгган аскарлар бедарак кетишмаган. Улар билан бирга ноҳақ қатағонга учраганларнинг номлари ҳам Хотира китобларидан жой олди.

...Дадам Чимёнда туғилган. Оилада бир қиз, икки ўғил бўлишган. Дадам саккиз-ўн яшарлигида Иброҳим бобомни Фарғона шаҳридаги қамоқхонага қамаб қўйишган. Энам болалари билан шаҳарга келиб, қариндошининг кулбасида туриб, ярим йилдан зиёд қамоқхонага қатнаган. Бироқ бобомни кўра олмаган. «Қулоқ» қилиб отишганини кейинроқ билган. «Қулоқ»нинг оиласи қишлоққа сиғмай шаҳарда жон сақлаган.

Дадам ўн саккиз ёшида, 1944 йил ҳарбий хизматга чақирилган. Ҳарбий ишни ўрганиб, тайёргарлик кўргунларича, Берлин рейхстагига Ғалаба байроғи тикилиб, уруш тугаган. Салкам беш йил хизматни ўтаб, омон-эсон қайтган.

...Фарғонанинг жанубида Ҳасанов кўчасидаги «Мотамсаро она» ҳайкали қаршисида бир неча машиналар тўхтайди. Ҳозиргина никоҳлар қайд этилган куёв-келин ва уларнинг дўстлари, дугоналари ёдгорлик пойига гулдасталар қўйиб, қатағон қурбонлари, жангу жадаллардан қайтмаган боболар, бева қолиб, фарзандларини оёққа турғизган момолар хотирасини ёдга олишади.

Хотира мажмуаси деворида вилоят, шаҳар ва туманларнинг зангламас металл саҳифаларидан иборат Хотира китоблари ўрнатилган. Саҳифаларда иккинчи жаҳон урушидан қайтмаганлар билан бирга қатағон қилинганларнинг исм-шарифлари, туғилган ва ҳалок бўлган йиллари битилган. Китобларни варақлаб бомнинг исм-шарифини топаман...

Президент фармонига мувофиқ шаҳид кетганларнинг Хотира китоблари яратилди. Фарғоналик шаҳидлар икки томга жо бўлди. Ҳукумат қарорига асосан, 2000 йилда ушбу «Мотамсаро она» хиёбони барпо этилди. Лойиҳа муаллифлари Фарғона вилояти бош архитектори Анваржон Шокиров ва архитектор Баҳодиржон Эркабоев, муҳандислар Адҳамжон Умаров ва Алишер Раҳматуллаевлар ижодининг маҳсули. Хотира хиёбонининг мазмун-моҳияти бир қарашдаёқ кўзга яққол ташланиб, маҳзун туйғулар билан бирга, келажакка умид уйғотади. Қорамтир тусли мўқаннасли айвоннинг олд тарафидаги оқ устунлар қайғу ҳасратга умид тасалли таянчидай гўё. Айвон олдида Она ва фарзанд қоронғуликдан ёруғликка, қуёшга пешвоз чиқиб келишяпти. Чеҳраси қайғуга ботган она кўзларида ёнида турган, отасидан эрта айрилган фарзандининг иқболига умид акс этади. Тошкентлик ҳайкалтарош Равшан Мирзажалов ёдгорликка шунчалик жон бахш этганки, ҳар бир зиёратчи онани ўз момосига, болани ўз тоғаси ёки амакисига ўхшатади. Хиёбондаги фавваралардан отилиб турган сув, ғунча тугиб очилаётган гуллар, ям-яшил майсазор, боқий ҳаёт тимсоллари қуршовида ўйга толади. Фарзандлари ёки умр йўлдошларидан айрилиб болаларини деб барча қийинчиликларни, синовларни енгиб яшаган, меҳр оқибат, садоқат тимсолларига айланган онахонлар, бувижонлар, шаҳид кетган ота-боболар хотираси ҳаққи-ҳурмати энг улуғ неъмат — тинчликни кўз қорачиғидай асраб, яшаб ишлашдай фуқаролик бурчини теранроқ ҳис этади.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq» мухбири

Ҳаёт

Инсон азиз, хотира муқаддас. Баъзан шундоққина ёнма-ён яшаб турган кўнгилга яқин кишингиздан ажралиб қолганда дилнинг туб-тубида бу жумлалар моҳиятини тушуниб етаркан, киши. Мутолаада фикримга инган ноёб мулоҳазаларни қайта такрорлайман: «Қишнинг поёнидан баҳор топилгунча, соғинчларинг дилдираб бўзлайди. Саратон тақдирида куз етилгунча, жисму жонинг ҳароратдан толади. Ҳайриятки, куз ҳар гал қайтади, баҳор қайтади. Аммо умр чексиз йўқотишлардан, йўқотиш бўлганда ҳам мутлоқ қайтмас йўқотишлардан иборат». Қарангки, бу оғриқли айриликлар ажиб бир шарофат ҳам келтиради. Яъни, кўлингиздаги бор неъматларни қадрлайдиган, асраб-авайлайдиган бўлиб қоласиз. Кўнглингизга шукрона тушади ва бу шукрона ақлингизга, ўтаётган кунингизга тўликлик бахш этади.

Мана яна худди шундай қишни оёқларига тиз чўктириб баҳор ташриф буюрди. Табиат фусункор ҳусни-ни кўз-кўз қилмоқда. Жийда гулининг ифорида ҳам, шил-шил меваси кўзни олувчи олма, гилос, ўриклар новдасида ҳам соғинч бўй кўрсатаётгандек.

Табиат бу борада Норовлар хонадонини сийлагани рост. Бу гўзал манзара умрбоқийликка дахлдор. Ота қадами теккан муқаддас маскан, падари бузруквор меҳридан кўкка бўй чўзган дарахтлар, қадрдон ҳовли ҳар биридан ўша таниш, такрорланмас тафтни қўмсаш...

Инсон қандай яшаганлигини у улғайтирган фарзандлари, амалга оширган эзгу ишларида кўрасиз. Имом Норов ана шундай ҳар жиҳатдан ибратли умр кечирди. Аллоҳ суюкли бандаларига солиҳ амалли зурриёд, кўпга бош бўлиш мартабасини ато этаркан.

Имом Норов бу мавқе, ҳурматэътиборга ҳалол меҳнати туфайли эришди. Оғир болалик кечинмалари, жанг майдони, тупроққа қоришган дўстларининг қонли жасадлари олдидаги изтиробларини умрининг сўнгги дақиқаларигача унутмади.

Волидаи муҳтарамаси ўгитлари уни суяб, унга таянган яқинлари ишончини оқлаш учун умр сўқмоқларида қанча машаққатли довонларни босиб ўтмади, дейсиз.

Имом ота Норов ўзи ҳақида «Ҳалол меҳнат — инсон зийнати» китобида шундай ёзади:

«Ўша вақтларда қонунчилик ҳаддан ташқари издан чиқиб кетган, ҳамма ишларни туман раҳбарлари ҳал қилар эди. Туманда ҳар куни соат 6 да жамоа хўжалик раҳбарлари иш-

Ватан қалқонлари

Ватан тинчлигини сақлаш, унинг дахлсизлигини таъминлаш, она Ватанни душман оёғи остида топтатмаслик — олий бурч эканлигини ҳар бир фуқаро ёшликдан теран англаши лозим. Зеро, шу юрт обҳавоси, боғ-бўстонлари ва кўрк-таровати биз учун доимо ўзга юртларникига нисбатан гўзал, бебаҳо бўлиб қолаверади.

Фашизм устидан қозонилган ғалаба ўзбек халқи тақдири учун ҳам бебаҳо аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бугун тарихга айланган баъзи ҳужжатлардаги кўрсаткичлар шундай марду майдон Ватан ўғлонлари жасоратидан ибратомуз манбаларни эсга солади.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ Самарқанд вилояти меҳнаткашлари узоқдаги душманни тор-мор келтирмоқ учун бор кучларини сарфлашга тайёр эканликларини билдирганлар. Вилоят ҳарбий комиссариатига фронтга юборишларини сўраб, 1316 та ариза тушган, 1941 йил 4 августга келиб бундай аризалар сони 2988 тага етган.

Яқинда муддатли ҳарбий хизматга жўнатишга бағишланган вилоят тантаналаридан бирида иштирок этиб, ўғлонлар дилларидаги якдиллик, садоқатлилик душманга қарши ҳар қандай қуролдан кучли эканлигига яна бир карра ишондим.

Хотира ва қадрлаш куни ҳамда ундан олдин ўтказилиши мўлжалланган тадбирлар, учрашувлар барча шаҳар ва туман ҳокимликлари, уларнинг мудофаа ишлари бўлимларининг баҳамжиҳатлик асосидаги тайёргарликлари ҳозирдан сезилиб турибди. Бундай тадбирларда бевосита жанггоҳларда ва фронт ортини мустаҳкамлашда фаол иштирок этган фахрийларнинг иштироки ҳам режалаштирилган. Уларнинг ўз кўрган-кечирганлари, хотиралари ёшларга албатта катта ибрат мактаби бўлишига ишонамиз.

Жамшид САИДЖОНОВ,
Самарқанд ҳарбий прокурори

хотираси - муқаддас

мактаби

тирокида очиқ бюро йиғилиши ўтказиларди. Шундай бюролардан бирида туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби пахта даласини ўт босгани учун бригада бошлиғини ҳақорат қилиб, милиция бошлиғига «уни олиб бориб қамаб қўй», дея топшириқ берди. Мен қонунсиз бу ҳаракатни амалга оширишга эътироз билдирдим».

Аёнки, очиқ бюро мажлиси тугагач, ёпиқ бюро мажлиси бўлиб «мажлис сиёсати»га қарши чиққан прокурор масаласи кўриб чиқилди.

— Адолат учун кураш унинг ҳаётий шиори эди. Урушдан кейинги йиллар, мустабид тузум даврида энг оғир ҳудудларда ишлаган Имом Норов ҳақиқат йўлида қийинчиликлардан қўрқмади. Умрининг охиригача юрт ишқи, ватандошлар ташвиши юрагини тарк этмади. Ҳатто ўғли Баҳодиржонни тупроққа қўйиб, фарзанд доғига рўбарў келганда ҳам ғамга матонат билан тик боқа олди. Бу жасорат намунасидир, — дейди Имом Норовнинг сафдоши, кекса ҳуқуқшунос, Республика прокуратураси фахрийси Салим Ҳамроев дўстини хотирларкан.

Насриддин Садиров:

— Мен бахтли инсонман, дейишга ҳақлиман. Негаки, Имом Норовдек бағрикенг, самимий инсоннинг шогирдиман. Яхши устоз маънавий ота деганидир. Имом Қодировичнинг инсоний фазилатлари, қилган эзгу ишларини ёзсангиз катта бир асар бўлади. Устоз тафаккур кўзгуси эди, десам муболаға бўлмайди. У кишининг узоқни кўра билиш қобилияти жуда кучли эди. Шунинг учун ҳам: «полковник»ка эмас, балки «лейтенант»га алоҳида эътибор керак. Тизимга энди кириб келган ёш кадрларни маънан қўллаб-қувватлаш, уларга ҳаётни ўргатиш биз катталарнинг ишимиз», дея тез-тез таъкидлардилар.

— Имом Қодирович тарбиялаган фарзандлар Ватан корига ярашида, халқ юкига елка тутишга қодир инсон бўлиб етишишида оталарининг уларга берган тарбияси муҳим ўрин тутади. Ботир Норов бугунги кунда прокуратура тизимида фаолият олиб бораётган бўлса, Владимир Норов Белгия қироллигида Ўзбекистоннинг элчиси бўлиб турибди.

Имом Норовдек катта ҳаёт мактабини босиб ўтган, оддийлик фалсафасидан буюклик яратган инсон ҳақида ҳар қанча ёзсак оз. Бугун у кишини ёд этиб хотирлаётган шогирдлари, дўстлари бир калом сўзида ҳам Имом Норовга нисбатан ҳурмат, эҳтиром зоҳир.

Қадрдон ота ҳовлиси гавжум. Имом ота ортида қолган неваралар, фарзандлару жигарбандлар у кишини хотирлашади. Имом Норовдан қолган қутлуғ излар бардавомлиги шундан. Ҳазрати Навоий эътирофи билан айтганда:

Бу гулшан ичра йўқдир баҳо
гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яхшилик
бирла қолса от.

Моҳира ШАКАРОВА

Ўтган йили фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳакимбой Ҳалимов билан уруш фахрийлари тўғрисида суҳбатлашиб қолганимда прокурор:

— Улар йиллар ўтиб қамаяиб боришяпти. Фахрийларимиз ҳақида кўпроқ ёзинглар, кексалар ҳаётнинг аччик ва ширин сабоқларини яхши биладилар, улардан ўрганишимиз керак, — деган эди.

Шу сабаб бўлдими, ажойиб инсон, уруш қатнашчиси Сапарбой оға ҳақида ёзиш истаги туғилди.

Улар ҳамиша ардоқда

Сапарбой оға ҳақида кўплаб давраларда яхши фикрлар эшитганман. Ҳаёт оқар дарё, деганларидек хаш-паш дегунча орадан 3-4 йил ўтиб кетибди. Мана яна у кишининг олдига ошиқяпмиз.

— Келганларингизни ҳозиргина неварам айтди. Узр. Сизларни остонада кутиб олишим керак эди, — Сапарбой оға бизга пешвоз чиқди. Оға ҳали тетик, бардам. Йиллар сурони унинг юзига ажинлар солган билан қалбида ҳалиям жўшқинлик, улуғ умидлар борлигини сездик. — Йиллар ўтаверар, вақтни эса тўхтатиб бўлмас экан. Озми-кўпми баҳоли қудрат халқимга ҳалол хизмат қилдим. Биз кўрган оғир кунларни эндиги ёшлар кўрмасин, — хўрсиниб «уҳ» тортди оға. — Айни ўқийман, ишлайман деган дамларимиз уруш йилларига тўғри келган.

Сапарбой Доспанов 1922 йили Мўйноқ туманида туғилган. 1937 йили мактабнинг еттинчи синфини тамомлаб, иш фаолиятини 1938 йили Мўйноқ туман халқ судининг участка котиблигидан бошлайди.

— Мен ишга келганимда суд раиси Амин Ешмуратов бўлиб, жуда талабчан, ишчан одам эди.

Сапарбой оғанинг зеҳни ўткирлигини, иқтидорини сезган раҳбарлар уни 1939 йили Тошкентдаги Республика юридик мактабига ўқишга юборишди. Сапарбой у ерда ҳам яхши ўқиди. 1941 йили июнида мактабни битириб, она юртига қайтиш арафасида машъум уруш бошланади.

Сапарбой оға 1941 йил декабрида дастлаб Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридаги 97-ўқчилар бригадасида, 1942 йил майидан Воронеж шаҳридаги 113-заҳирадаги ўқчилар полкида тайёргарликдан ўтади.

Сапарбой оға у ерда «Максим» пулемётида отишни ўрганди. Шундан сўнг у Сталинград ва Дон фронтларидаги жангларда қатнашади.

— Бу урушда чап оёғимдан ва елкамдан яраландим, дея эслайди Сапарбой оға. — Мени Саратов, Челябинск госпиталларида даволашди. Тузалиб чиқач Брянск фронтининг Курск-Орлов, Волков шаҳарларини озод этишда иштирок этиб, иккинчи марта яраландим. 1944 йил бошида эса урушдан озод этишди.

Ҳозир ўтириб ота-онамнинг ёшлигимда айтган «Бошинг тошдан бўлсин, болам», деган сўзларини кўп эслайман. Одам боласи туғилгандан ўлгунигача кўп воқеаларни бошидан ўтказаркан. У кунлар энди қайтмасин.

Сапарбой Доспанов урушдан қайтгач, овулига келиб бироз вақт Мўйноқ тумани молия бўлимида катта солиқ нозири бўлиб ишлайди. 1945 йил бошидан мазкур туман прокуратурасида терговчи, 1949-1954 йиллари шу туман прокурори бўлади.

Сапарбой Доспанов 1954-57 йиллари Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига ишга ўтиб, прокурор ёрдамчиси лавозимида хизмат қилади. 1957-1960 йиллари эса Нукус шаҳар прокурори бўлади. 1960 йилдан яна Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, кейин суд тизимида турли лавозимларда ишлайди. 1986 йилдан пенсияда.

— Ҳамкасбларингизга қандай тилак-истакларингиз бор?

— Шунча ёшга чиқиб қўйибмиз. Умрим давомида одамларни алдамадим. Қўлимдан келганча яхшилик қилдим. Тилагим улар ҳеч қачон тарозининг икки палласи борлигини унутишмасин. Чунки инсон умри ҳам шу тарозига ўхшайди. Ҳамиша синовда. Агар прокурорларимиз адолат принципига амал қилиб ишласалар, эл-юрт олдида ҳам, виждони олдида ҳам юзлари ёруғ бўлади. Мен шуни тилайман.

Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,
«Huquq» мухбири

«Хотира ва қадрлаш халқимизга хос миллий ўзлигимиз, урф-одатларимиз билан чамбарчас боғлиқ муқаддас тушунчалардир». Давлатимиз раҳбарининг бу эътирофлари айни ҳақиқат. Шундай қутлуғ ва муборак кунларда ўтганларнинг пок руҳларини ёд этиб, хайрли амалларни эсга олгинг келади. Беихтиёр дўсту биродарлар, бир сафда ёнма-ён ишлаган кадрдон ҳамкасблар, устозлар қиёфаси кўз ўнгингда гавдаланади. Хотира уйғонса гўзалдир, деб шунга айтсалар керакда. Наманган вилоят прокуратураси органларида фуқаролар ҳақ-ҳуқуқи, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида самарали ишлаган, фидойиларча яшаб ўтган беназир инсонлар кўп.

Бурчга садоқатли эди

Чори Жўраев, Тожибой Исоқов, Акрамжон Аъзамов, Исоқжон Раҳматуллаев, Раъно Мамадалиева, Мирзаумар Нишонов, Абдуқаҳҳор Эргашев...Уларнинг ҳар бири босиб ўтган йиллар ва йўллар алоҳида бир мактаб, алоҳида бир китоб бўлгулик.

Адлия маслаҳатчиси Шокиржон ака Мирзаев ҳам ана шундай заҳматли ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган фидойилардан эди.

Инсон умри қанча яшагани эмас, қандай яшагани билан ўлчанади. Шокиржон ака ҳақида гап кетганда айни шу сўзлар такрор-такрор хаёлимдан ўтаверади. У 45 йиллигина ҳаёт кечиди. Аммо ана шу қисқа даврда чақмоқдек ўзидан ёрқин из қолдирди. Эл-юрт учун, унинг манфаатлари учун бор куч-қуввати, билимини бахшида этди.

Шокиржон ака 1959 йилнинг кўклами арафаси, 26 февралида Уйчи туманида таваллуд топди. Уйчи табиати ажиб баҳаво, сўлим гўша. Ана шундай беғубор кенгликлар қўйнида, оддийгина қишлоқ оиласида ўсиб-камол топган Шокиржон ака болаликдан зеҳнли, ўқиб-ўрганишга иштиёқи зўр эди. Шунинг учун ҳам ўз олдига қўйган мақсадга эришиши қийин кечмади.

Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлагач, тизимдаги иш фаолиятини Россиянинг Челябинск вилояти Магнитогорск шаҳри Ленинск тумани прокуратурасида иш ўрганувчи сифатида бошлади. Ана шу тарзда Россия Федерациясида чиниқиб тоблангач, 1990 йилда Наманганга қайтди.

Ш.Мирзаев қатъиятли, сабот ва иродали, сермулоҳаза киши эди. Ҳар бир иш ортида инсон тақдири борлигини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш зиммасида эканлигини бир он бўлсада унутмасди.

Феъл-атворидаги бу сифатлар Наманган вилоят прокуратурасининг катта терговчиси, вилоят прокуратурасининг ташқи иқтисодий фаолиятда порахўрлик, талон-тарож ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши курашиш бўлимининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, жиноятларни тергов қилиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси, Янгиқўрғон ва Норин туманлари прокурори лавозимларида ишлаган пайтлари яна-да ёрқин намоён бўлди.

Бу фикрлар, эътирофларни шунчаки айтишгагина осон. Аммо улар ортида қанча меҳнат, машаққат ётибди. Тўғри, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида, хусусан, прокуратурада ишлаш шарафли. Бироқ бу шараф замиридаги масъулият, бурч юкини ҳамма ҳам ҳис этавермайди.

Шокиржон Мирзаевга ҳар лаҳза ана шундай масъулият ва бурчга садоқат ҳамроҳ эди. Шу боис ҳам умрининг сўнгги лаҳзаларигача қонун ҳимоячиси сифатида самарали хизмат қилиб адолатни дастур билди. Ажойиб инсон, тажрибали ҳуқуқшунос, қобилиятли прокурор Шокиржон ака Мирзаев бугун жисман орамизда бўлмасада, ундан эзгу амаллар, ибратли фазилатлар, ҳаёти давомчилари бўлган солиҳ фарзандлар қолди.

Демак, унинг номи яқинлари, ўғил-қизлари, биз каби ҳамкасблари қалбида яшайверади.

Бахтиёр НАБИЕВ,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Камтарин ҳуқуқшунос ёди

Узоқ йиллар Андижон вилояти судининг раиси лавозимида ишлаб келган Шавкат Исроилов ҳаёт бўлганида шу кунларда 75 ёшга тўлган бўларди. Бу шахс ишга масъулиятлилиги ва касбига содиклиги билан бошқалардан яққол ажралиб турарди.

Шавкат Исроиловнинг камол топишида оиласининг ўрни катта. Унинг отаси Аъзам бобо асли тошкентлик бўлса-да, Андижонга бориб қолган, у ердаги пахта заводида иш бошқарувчи бўлиб ишлаган, инқилобдан кейин Москвада таҳсил олган зиёли одам эди. Лекин совет тузуми уни эски саноатчи бой сифатида қатағон қилганди. Шу боисдан Шавкат Исроилов Тошкент Давлат юридик институтини тугатгач, 1951 йилда ҳеч жойга ишга олинмайди. Унга халқ душманининг ўғли сифатида қарашарди. Сталин вафотидан кейин отаси оқланган, у Андижон шаҳридаги транспорт милициясига ишга киради. У ерда терговчиликдан бошлиқ лавозимигача кўтарилади. 1967 йилда Ш.Исроиловнинг ишга бўлган масъулияти ҳисобга олиниб, Андижон шаҳар судяси лавозимига тайинланади. Етти йил давомида у адолатни байроқ қилиб ишлади. Унинг бу хислатини Андижондаги кексалар ҳамон яхши эслашади. 1973 йилда у киши Андижон вилоят судининг раиси этиб тайинланади. Қарийб ўн тўрт йил шу лавозимда ишлаб, вилоятда қонун устуворлигини таъминлашга ҳисса қўшади. Лекин ғанимларининг қутқуси билан «партиявий» жазоланади.

Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан оқланиб Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланганч, Ш.Исроилов юридик муаммоларни ҳал қилишга, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида илмий иш билан шуғулланган. Нikоҳ ва оиланинг яхлитлигини сақлаб қолиш омиллари ҳақида фан номзодлиги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Фаолияти давомида у киши кўплаб шогирдларга устозлик қилди. Унинг шогирдлари суд ва прокуратура органларида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Фарзандлари эса халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилишаяпти.

А.МУСТАФОҚУЛОВ

Бирор бир жиноят иши билан танишганимизда унинг иштирокчиларининг таржимаи ҳоли билан қизиқамиз. Ушбу уюшган жиноий гуруҳга эса аёл киши ҳам аралашган. Суддаги маълумотларга қараганда Роҳатой Раҳимова (исмлар ўзгартирилган), 1947 йилда туғилган, оилали, муқаддам судланган. 2000 йил 27 март куни Қашқадарё вилояти суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-273-модда 5-қисми билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 август кунидаги «Амнистия тўғрисида»ги фармонига асосан жазодан озод этилган. У бундан хулоса чиқармасдан 1974 йилда туғилган Саттор Ҳошимов ва Хайриддин Абдуллаевлар билан ноқонуний ишга бел боғлади. Саттор оилали, ҳеч қаерда ишламасдан саёқ юрган бўлса, Хайриддин ака кичик бир фирма соҳиби эди.

Охири ҳавҳо бўлгани савдо

Биринчи уриниш

Саттор Тошкентдаги эски таниши Роҳатой опа билан ишни пиширди. Улар бойлик орттириш мақсадида героин савдоси билан шуғулланмоқчи бўлдилар.

Қишнинг декабр ойи эди. Саттор Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрига йўл олади. Унинг биринчи борар жойи Душанбедаги катта бозор бўлди. У бозорда атторлар ва гиёҳлар сотилаётган расталарни оралаб чиқади. Расталарни оралаб юрганида «фақат шу ердан топсам керак», дея хаёлидан ўтказар эди. Шу пайт уни кузатиб турган 30-35 ёшлардаги зиғир уруғи сотувчиси унга гап ташлайди:

— Ҳой, мардак инжобиё, чи кор ист?(Ҳой йигит бу ерга кел, нима ишинг бор?)

Саттор тожик тилини камроқ тушунгани учун унга мурожаат қилаётган сотувчи томонга юра бошлайди.

— Ман тожики кам-кам медонам.(Мен тожикчани кам-кам биламан).

— Сан ўзбакми?

— Ҳа.

— Нима керак сенга ёки бирортасини қидиряпсанми? Бери кел танишамиз. Менинг исмим Ислом.Саники-чи? Қаердансан?

— Исмим Саттор. Деновданман...

Саттор Исломнинг ўзбек тилида гапиргани учун уни ўзига яқин олиб, нима учун бу ерга келганини айтади. Ислом Саттора ёрдам беришини айтади ва 830 грамм героинни 1300 АҚШ долларига нархлаб, насияга бериб юборади.

У наркотикни Тожикистон Республикасининг Пахтаобод районидаги канал орқали Ўзбекистоннинг Узун туманига олиб ўтади. Сўнг Денов шаҳрида яшайдиган тоғаси Хайриддин Абдуллаевнинг уйига вақтинчалик яшириб қўяди. У Хайриддин акага нимани яширганини айтмайди. Орадан кўп вақт ўтмади. У героинни «Тико» автомашинасининг чап томонидаги эшикка жойлаштириб, Тошкентга олиб келади. Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида яшовчи Роҳатой опанинг уйини излаб топади.

— Роҳатой опа харидорларни топиб қўйдингизми? Мана товар...

— Сатторжон, тўғрисини айтсам харидор топиш қийинроқ кечаяпти. Ҳаракат қилаяпман, бир иккитасига айтиб қўйдим, ҳадемай хабар бериб қолишар.

Сатторнинг харидор топилмаётганидан кайфияти тушгандек бўлди. Аммо у Роҳатой опага ишонарди. У «товар»ни Роҳатой опага топшириб, бир ҳафтадан сўнг хабар олишини тайинлаб кетади.

Кўз очиб юмгунча кутилган бир ҳафта ўтди. Героиннинг савдоси қандай бўлганини сўраш учун Сатторжон Роҳатой опанинг уйига ташриф буюрди.

— Роҳатой опа, натижаларимиз қандай?

— Сатторжон, олиб келган «гера»нгизнинг сифати паст экан. Харидорларни қониқтирмади. Шунинг учун узр, ука, — деб Роҳатой опа Сатторжонга сотилмай қолган 830 гр. героин моддасини қайтарди. Роҳатой опанинг айтганларидан Сатторнинг кайфияти тушгандек бўлди. Бу ҳолатдан чиқиш учун Роҳатой опа гап бошлайди. У Сатторга «героин» савдосининг йўл-йўриғини ўргатди.

Иккинчи «хизмат сафари»

Шундай қилиб, Роҳатой опа билан Саттор «Тико» автомашинасида Тожикистон Республикаси томон йўл оладилар. Улар Душанбе шаҳрига келишиб, яна бозордан героин сотувчиларини излашди. Саттор эски шериги Исломни топгунига қадар, Роҳатой опа Фаттоҳ исмли йигит билан танишиб қолади. Кейин билишса, Фаттоҳ ва Ислом исмли шахслар гиёҳвандлик моддаларининг олди-сотдиси билан шуғулланувчи шериклар экан. Аслида зиғир уруғи савдоси бу савдогарлар учун ниқоб экан, холос.

Саттор Исломдан яна 4,5 килограмм героин моддасини 31.500 АҚШ долларига сотиб олади. Сўнг Роҳатой опа билан Денов шаҳрида яшовчи тоғаси Хайриддин аканикига боради.

— Хайриддин тоға, сизга бир илтимосим бор... Ҳали айтганимдек, «товар»ни яхшилаб яширинг. Ҳеч ким билмасин... Агар кимдир билиб қолса, яхши бўлмайди. Шунинг учун «товар»га кўз қулоқ бўлинг... Хизмат ҳақингизни бераман...

— Ҳеч ким билиб қолмасмикан?..

Шу куннинг ўзида Роҳатой опа билан Саттор Тошкентга қайтишди. Орадан 3-4 кун вақт ўтди.

Поёнига етган иш

— Сатторжон, ҳозир харидорлар келиши керак.

— Роҳатой опа, қаерда сотмоқчисиз? Эҳтиёт бўлинг, тағин узунқулоқ гаплар тарқаб, ишимизнинг пачаваси чиқмасин!

— Хавотирланманг, кўшнининг гаражида уйимдаги ортиқча нарсаларни сақлайман. Сиз менга нарсаларни тахлашиб тургандек бўласиз. Ўша жойда сотиб, пулини ҳам ўша ерда оламиз. Ҳеч ким шубҳа қилмайди, — деди Роҳатой опа ўзига ишониб.

2005 йил 6 февраль куни тахминан соат 13.00 ларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Наркотик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармасининг ходимлари томонидан ўтказилган «назоратли харид» тезкор тадбири натижасида, Яккасарой тумани Бобур кўчасидаги уйларнинг рўпарасида жойлашган гараж ичида 4 кг. 217,51 грамм героин воситасини 45.000 АҚШ долларига сотаётган Саттор Неъматуллаев қўлга олинди. Унинг бошқарувидаги «Тико» русумли автомашинанинг чап ва ўнг томон бўсағаларида жойлашган туйнуклардан 9 та полиэтилен пакетта ўралган оқиш рангли, ўткир ҳидли кукунсимон модда олинди. Кўрилган чоралар натижасида унинг жиноий шериклари Хайриддин Абдуллаев ва Роҳатой Раҳимовалар ҳам қўлга олиндилар.

Шундай қилиб, уюшган жиноятчиларнинг «хизмат сафарлари» поёнига етди.

Бахтиёр УСМОНАЛИЕВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори.
Г.АБДУВАҲОБОВА,
журналист

«Шер» лақабли кимса

1999 йил июл. Сайхунобод.

Фарғона водийсидан шошилиб оқиб келадиган Сирдарё айни шу ерга етганида ҳолдан тойгандек секинлашади. У чўлнинг мана шу жойида ажабтовур кенгайган соҳилларига узоқ тоғ бағирларидан ортмоқлаб келган қум гиламларини тўшаб кетади. Қумлоқ соҳил эса ёз кунлари чўмилувчилар ва дам олувчиларда ажабтовур кайфият уйғотади. Мана ҳозир ҳам айни жазирама бўлсада, қумлоқда уч-тўрт улфат ярим яланғоч юмалаб ётарди. Улар гоҳ бир-бирларини сувга улоқтиришиб қийқиришар, гоҳ бир оз четдаги юлғун остига ёзилган дастурхондаги ароқдан пиёлага қуйиб мулозамат қилишарди. Маст-аласт бу йигитлар шу тариқа кун кеч бўлиб қолганини сезишмади. Шундагина кимдир уйга кетиш кераклигини айтиб қолди. Кийимларни апил-тапил устларига илишганича тарқала бошлашди. Қамариддин (исмлар ўзгартирилган) уйига яқинлашганида ярим кеча бўлганди. Бирлашган деб аталадиган бу қишлоқда уни кўпчилик яхши танигани учун ҳам ёш-яланглар бунақа пайтда унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилишарди. Агар бирортаси тасодифан унинг кўлига тушиб қолса унча-мунчага ундан қутулолмасди. Бугун ҳам оёғида зўрға келаётганига қарамасдан уни ҳеч ким суяб келмади. Қийшайиб турган тахталардан омонат ясалган дарвозани бир тепиб очди. Мувозанатини йўқотган бўлсада, ҳовлига кириб беихтиёр дадиллашиб кетди.

— Диля, ҳов Дили..— у хотинини одатда шундай чақирарди. Ғудраниб чиққан товушга ҳеч ким жавоб бермади. Лекин молхонанинг эшиги очиқ турар, ичкарида бир шарпанинг ҳаракати сезиларди. Кўп ўтмай у ердан кўлида чироқ ушлаганча хотини чиқиб келди. Қамариддин бир сесканиб кетди.

— Ие, ярим кечаси у молхонада нима қилиб юрибди деган шубҳа кўнглидан кечди.

— Нима қилиб юрибсан?..

— Мол бўшалиб кетган экан...

Табиийки, бу жавоб уни қониқтирмади. Хотинини сочидан ушлаб тортди.

— Ўзимам билардим... Ким бор у ерда?..

Хотини бир амаллаб унинг кўлидан кутулиб уйнинг ичкарисига қочди. Лекин Қамариддин ичкилик таъсирида ғазаб отига минган, гумон уни иймондан айириб бўлганди. Хотинининг ортидан борар экан, айвон деразасида турган пичоқни кўлига олди.

— Ўлдираман...

— Туҳмат қилманг... Мени ким деб ўйлаяпсиз?

Хотининнинг қаршилиги унинг ғазабини баттар алангалатди. Ойнинг хира нурида ярқираган пичоқ унинг баданга бир неча бор санчилди...

1999 йил август. Алмати, Қозоғистон.

Шаҳарнинг Айнабулоқ маҳалласидаги тўрт қаватли квартирада дам олаётган Акбар баногоҳ эшик тақиллашидан уйғониб кетди.Ким деган саволига «Қамарман..» деган жавобни олиб эшикни очди. Қадрдон синфдоши Қамариддин ва Нурматни кўриб севиниб кетди. Улардан юртда тинчлик, хеш-ақрабалар соғ-омонлигини эшитиб кўнгли хотиржам бўлди. Қамариддин синфдоши эса негадир безовта кўринарди. Унинг ўз хотинини ўлдирганлигини эшитиб лол қолди.

Қамариддин бу дўстларига ўзини Алишер деб чақиришларини сўраб, вақтинчалик Алматида яшириниб туришини айтди. Шу тариқа улар биргаликда яшай бошладилар. Кўлларидан келганича у-бу ишларни қилиб юрдилар. Қамариддиннинг қадам босишлари бежо эди. Бир куни у кечаси кўлида ажабтовур пистолет билан кириб келди. Қуролнинг шовқинсиз отишга мўлжалланган мосламаси ҳам бор эди.

— Пистолетни сотиб олдим, керак бўлиб қолиши мумкин — деди у Акбарнинг саволомуз қарашига жавобан.

Қамариддин шу тариқа кўчанинг жиноятчи унсурларига кўшилиб кетди. Ўғрилик, талончилик унинг касбига айланди. У тезда «Шер» лақаби билан танилди. Бир куни хизмати эвазига ундан 50 доллар қарз бўлиб қолган, уйига бир неча марта борган бўлсада пулни бермаган Нурмуҳамметни кўриб қолди. Унинг бой эканлигини, қайси уйда тунашларни яхши билганлиги учун кўнглида янги режа туғилди. Ўша кеча у жиноий шериги билан уларникига бостириб борди.

Ичкаридаги кичикроқ ётоҳонада эр-хотин ухлаб ётишарди. Қамариддин аввал пистолет билан Нурбувининг бошига зарб билан туширди. Унинг овози чиқмаган бўлсада, оёқлари типирчилади. Хотинининг кескин ҳаракатидан бошини кўтарган Нурмуҳаммет пистолетдан отилган ўқ зарбидан қулади. Иккинчи ўқ эса ҳамон типирчилаётган Нурбувининг бошига қадалди. Бошқа хонада ухлаётган икки ёш қизалоқ — Турсунбуви ва Раъногуллар шовқиндан югуриб чиқишди. Ота–онасининг аҳволини кўриб, улар қичқириб юборишди. Уларни ҳам тинчитиш зарурлигини англаган «Шер» дастлаб Турсунбувини нишонга олди. Ёш навқирон қизнинг ҳаётига шу тариқа нуқта қўйилди. Пистолетнинг ўқи туғаганлигини иккинчи қизга қаратиб тепкини босганида билди. Шундан кейин дарров уни тутиб олди. Ялинишига қарамасдан ерга ётқизиб, қўйнидан чиқарган пичоқнинг тиғини унинг бўйнига босди.

Уйга ажабтовур сукунат чўккан, фақатгина қотилнинг ҳансираши эшитиларди, холос. У вақтни йўқотмаслик учун мўлжаллаганидек талон-тарожга киришди. Нурмуҳамметнинг ҳали янги чарм курткасини, «Орион» видеомагнитофонини, «Караоке» аудиомагнитофонини олиб катта сумкага солди. Эр-хотиннинг кўлларидан эса қимматбаҳо узукларни суғуриб чўнтагига солди. Қоронғуликка шўнғиб кетар экан, ўзича из қолдирмадим деб ўйлади.

* * *

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида жиноятчи тезда кўлга олинди. Айбдор йигирма йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Кимки, ўз оиласига, ор-номусига содиқ қолмас экан, мана шундай нотўғри йўлга кириб кетиши мумкинлигига ушбу жиноят мисол бўла олади. Жиноятга эса албатта жазо муқаррар.

Азиз ЭСИРГАПОВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Фалсафада инсон энг олий қадрият дея талқин этилади. Яна шуни айтиш мумкинки, хотира ва қадрлаш фақат онгли мавжудот саналмиш инсонгагина хос туйғудир. Масалан, ўтган умримизни ёки бирон бир кишини ёдга олмоқчи бўлсак, аксарият ҳолларда хотирамизга таянамиз.
Ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш фақатгина бир миллатга хос эмас. Аслида дунёнинг кўплаб халқлари ва миллатларида ҳам хотира ва қадрлаш каби қадриятлар бор. Давлатимиз мустақилликка эришганидан буён кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик ва дўстлик ришталари ўрнатилди. Юртимиз фуқаролари чет элларда, хорижликлар эса ватанимизда ўқиш, иш ва бошқа турли соҳалар бўйича алоқаларни йўлга қўйишди. «Хотира ва қадрлаш» куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Чет эл фуқароларига тил ўргатиш маркази»да таҳсил олаётган талабалар ўз ватанида хотира ва қадрлаш куни қандай ўтказилиши ҳақида қисқача сўзлаб бердилар.

Даниш Мансур Надири (Афғонистон):
— Афғонистонда хотира куни бир йилда икки марта бўлиб ўтади. Бундан 88 йил олдин юртимиз инглизларга мустабид эди. Инглизлар колониясидан озод бўлганимизни ғалаба ва хотира куни сифатида нишонлаймиз. Дам олиш куни ҳисобланган бу кунда Ватан озодлиги жангларида ҳалок бўлганларни хотирлаб, қабрларини зиёрат қиламиз. ***«Рўз Озоди»*** деб ном олган мадҳиямиз ижро этилади. Миллий таомлар дастурхонларга тортилади.

О Сэнг Минг (Жанубий Корея):
— Дўстимнинг гапларига қўшимча қилмоқчиман. Кореянинг мустақиллик кунида бир неча асрлар олдин яшаган ва қаҳрамон деб эътироф этилган подшоҳ Сэ Зонгнинг номи алоҳида ёдланади. Сэ Зонг худди соҳибқирон Амир Темур каби корейс миллатининг йирик саркардаси ҳисобланиб, бугунги корейс тилига асос солган йирик арбобдир.
Масалан, менинг бобом О Минг Кин Япония ва Корея ўртасида бўлиб ўтган урушда иштирок этган бўлиб, оиламиз билан барча байрамларда у кишини хотирлаймиз. Сеулнинг марказий кўчасида қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлганларнинг номи ёзилган мармар тошлар ҳам бор. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсам, ҳар бир давлатда хотира ва қадрлаш куни турли сана ва номлар билан аталса-да, аммо ягона маъно ва мазмунга эга экан.

Хотира инсонни қадрга ундар

Нгуен Ван Бинь, (Въетнам):
— Ҳамюртимнинг гапларига қўшимчам бор. 27 июл — Въетнам мустақиллик байрамини нишонлайди. Бу кунда ҳам озодлик учун курашганлар хотирланади. Оммавий ахборот воситалари орқали барча байрамлар тўғридан-тўғри эфирга узатилиб, матбуот саҳифаларида эса фотолавҳали мақолалар чоп этилади. Жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганлар номи Ханой, Конбинь, Куо Ши каби йирик шаҳарлардаги хотира битиктошларида қайд этилган. Ханой шаҳрида 2 та энг катта хотира битиктоши мавжуд бўлиб, марказий кўчамиздан жой олган.

Гуҳкан Узжан (Туркия):
— Аслида хотира инсон ҳаётидаги энг мўътабар туйғу ҳисобланади. Туркияда ҳар йили 12 май — Хотира куни этиб белгиланган. Бу кун катта байрам тарзида нишонланади. Бизда хотира куни ***«Улусал эгаманлик»*** деб аталади. Шу куни катта ҳарбий парад бўлиб, халқ сайли бўлади. Биз Отатуркни йирик давлат арбоби сифатида тан оламиз. Истанбулдаги катта сайилгоҳ у кишининг номи билан аталади. Туркия шаҳарларининг кўплаб кўча, мактаб, сайилгоҳларига юрт қаҳрамонлари номи қўйилган. Бунлан ташқари, 30 август — «Ғалаба куни» ҳам алоҳида нишонланади. Ўша куни мамлакатимизни инглизлар истилосидан озод этишда қатнашган ва қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар ёдга олинади. Худди хотира куни каби, бу кунда катта ҳарбий парад ва халқ сайли бўлиб ўтади. Байрамларда анъанавий миллий таомлар тайёрланади. Бизнинг халқимиз ўзбеклар каби умуминсоний анъаналар орасида хотира ва қадрни муқаддас билишади.

Нитендер Пракаш (Ҳиндистон):
— Ўзбекистон билан Ҳиндистон азал-азалдан ўзаро мустаҳкам дўстлик ришталарини боғлаб келади. Урф-одатларимиз, тилимиз ва маданиятларимизда муштаракликни кўрамиз. Ҳиндистонда жуда кўп дин вакиллари яшайди. Шунинг учун бўлса керак, Ҳиндистонда бошқа мамлакатларга қараганда байрамлар жуда кўп. Тахминан 100 та байрамимиз бор. Энг катта байрамларимиз Холи, Девали ва Ҳиндистон мустақилликка эришган кундир. Ушбу уч байрамда дунёдан ўтганлар хотирланади. Аммо махсус хотира куни белгиланмаган. Байрам кунлари Жаваҳарлал Неру, Раджив Ганди, Индира Ганди, Богат Синҳ, Шуаз Чендер Бош каби йирик давлат арболари ёдга олинади. Улар орасида машҳур саркарда Шуаз Чендер Бошнинг номи алоҳида тилга олинади. Унинг инглиз истилочиларига қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатган Жая Ҳинд номи билан аталувчи армияси бўлган экан.

Куан Хён У (Жанубий Корея):
— Кореяда ҳам Хотира куни бор. Аммо номланиши бошқачароқ. Халқимиз 17 июлда қўшалоқ байрамларни нишонлайди. Биринчиси «Қаҳрамонлар куни» бўлса, иккинчиси Давлат Конституцияси қабул қилинган кундир. Ватан озодлиги учун курашган ва қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар «Қаҳрамонлар куни»да ёдга олинади. Икки байрам бир кунда нишонланиб, катта ҳарбий парад ва халқ сайли бўлиб ўтади. Бу байрамларда, албатта ***«Э кук га»*** деб номланувчи давлат мадҳиямиз қуйланади. Мозорлар зиёрат қилиниб, диний маросимлар ўтказилади. 1945 йил 15 август — Корея давлати мустақилликка эришган кун. Шу санани ҳар йили катта тантана билан нишонлаймиз. Ушбу кунда мустақиллик ва юрт озодлиги учун жангларда ҳалок бўлганлар ёдга олинади. Ўтганларнинг ёдини бир кун эмас, балки доим хотирлаш ва ардоқлаш инсоний фазилатдир.



Дао Туе Чинь (Въетнам):
— 30 апрел Въетнамда қадрлаш куни ҳисобланади. Мамлакатимизда бу кун катта байрам тарзида нишонланиб, дам олиш куни ҳисобланади. Байрамни катта ҳарбий парад ва халқ сайли билан ўтказамиз. Байрам мадҳияси «Нэм» ижро этилади. Миллий таомлардан ***«куок кани»***, байрам ичимлиги ***«руои пеп»*** дастурхонга тортилади. Қабристонлар зиёрат қилиниб, гуллар қўйилади.

Альмансури Саид (Миср):
— Юртимиз фуқароларининг аксариятини мусулмонлар ташкил этади. Бизда ҳам Рўза ва Қурбон ҳайитларида вафот этганлар ёдга олиниб, қабристонлар зиёрат қилинади. Агар қариндош ёки яқинларнинг вафотига кўп вақт бўлмаса, ўша куни қора кийим кийилиб қазо қилган инсонни ёдга олишади. Миллий таомлар тайёрланади. Кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Джазер Аламари (Сурия):
— Мамлакатимиз ислом давлати ҳисобланади. Юртимиздаги байрамлар ғарб мамлакатлардагидан кескин фарқ қилади. Хотира ва қадрлаш куни алоҳида сана билан белгиланмаган. Аммо муқаддас мусулмон байрамларида, яъни Рўза ва Қурбон ҳайитларида оламдан ўтганлар хотирланади, қабристонлар зиёрат қилинади. Қариндошлар бир-бириникига меҳмонга боришади. Қисқача қилиб айтадиган бўлсам, барча мусулмон байрамларимиз ўтганларни хотирлаш ва тирикларнинг қадрига етиш каби улуғвор анъаналар билан йўғрилган.

Суҳбатни Гули ҲОЖИБОЕВА тайёрлади

Божхона қонунчилигини такомиллаштириш

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида божхона ҳизматининг турли хил йўналишлари, хусусан қонунчиликда ўзаро ҳамкорлик фаоллашганлигига қарамасдан, бу соҳада ҳал этилмаган бир қанча муаммолар мавжуд. Биринчидан, ҳозирги вақтгача республика божхона идоралари томонидан Халқаро Конвенция тўпламлари чоп этилмаган, ваҳоланки бундай тўпламлар божхона ҳизмати соҳасида миллий қонунчилик далолатномаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда жуда ҳам зарурдир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар бир халқаро ҳужжат нормаси ўзаро келишувчи давлатларнинг онгли равишда кўзланган мақсадларини ифодалайди. Давлат томонидан халқаро хусусиятга эга бўлган турли масалаларни ҳал этишда албатта битимлардан фойдаланилади, битимлар эса аниқ ҳуқуқий нормалардан ташкил топади. Шунинг учун ҳуқуқий муносабатларда давлатлараро норматив асослар, халқаро ҳуқуқ субъектларининг мажбуриятлари ва аниқ белгиланган ҳуқуқларини ўз ичига олган, фақаттина тақсимланган меъёрлардан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қонунчиликнинг турли соҳаларига тегишли бўлса-да, лекин улар божхона соҳасини тартибга солиб турувчи алоҳида нормаларни ҳам ўз ичига олган. Давлатимизнинг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги ва бошқа кўплаб қонунлари божхона ишига у ёки бу даражада дахлдордир. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 1998 йил 1 мартдан кучга кирди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасига олиб келинган барча товарлар аниқ бир божхона режимига жойлаштирилади. Божхона режими, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини божхона мақсадлари учун белгиловчи қоидалар мажмуасидир. Божхона кодексига кўра бугунги кунда 16 та божхона режими мавжуд.

Божхона кодексининг кучга кирганига 8 йил тўлган бўлса-да, бугунги кунга қадар божхона режимини мувофиқлаштирувчи, унинг қонун-қоида ва тартибларини ўзида аниқ жамлаб турувчи бирорта норматив ҳужжат яратилмаган. Бу ҳол вақтинча олиб киритилаётган (олиб чиқилаётган) товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштиришда божхона ходимларининг ўз вазифаларини оқилона бажаришлари ва аниқ қарор қабул қилишларини қийинлаштирмоқда. Шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахслар олдида кўплаб муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

— вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режими остида товарларни жойлаштириш шартларининг аниқ кўрсатилмаганлиги;

— вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимига жойлаштирилиши мумкин бўлмаган товарлар рўйхатининг йўқлиги;

— вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режими остида жойлаштирилган товарларни қиёслаш тартибининг йўқлиги;

— вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимини тугатиш тартибининг ишлаб чиқилмаганлиги;

— вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимига жойлаштирилган товарларга нисбатан ваколатни бошқаларга бериш қоидасининг йўқлиги;

— автотранспорт воситаларига нисбатан вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) тартибининг ишлаб чиқилмаганлиги;

— вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимига жойлаштирилган товарларга нисбатан ундирилиши зарур бўлган тўловларни ундириш ёки улардан озод этиш тартибининг ишлаб чиқилмаганлиги ва бошқалар.

Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режими бўйича муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 26 июндаги «Вақтинча олиб кириш ҳақида»ги Истанбул Конвенциясига аъзо бўлиб киришини мақсадга мувофиқ деб биламиз. Истанбул Конвенциясига кўра шартлашувчи ҳар бир томон унда кўзда тутилган имтиёзларни олиш билан боғлиқ бўлган расмиятчилик талабларини имконияти даражасида камайтиради. Мазкур Конвенциянинг қоидалари энг кам имтиёзларни кўзда тутади ва шартлашувчи томонлар тақдим қиладиган ёки келажакда тақдим қилинадиган ёхуд бир ёқлама тартибда ёхуд икки томонлама ёки кўп томонлама келишувларнинг ижроси юзасидан янада кенг имтиёзларни қўллаш учун тўсқинлик қилмайди. Истанбул Конвенцияси қоидаларининг бузилиши қаерда содир этилган бўлса, ўша томоннинг ҳудудида, ушбу шартлашувчи томоннинг қонунчилигига мувофиқ равишдаги санкцияларга сабаб бўлади. Шартлашувчи томонлар илтимосига кўра ва миллий қонунчилик рухсат берган чегараларда, мазкур Конвенция қоидаларини бузилиши қаерда содир этилган бўлса, ўша томоннинг ҳудудида, ушбу шартлашувчи томоннинг қонунчилигига мувофиқ равишдаги санкцияларга сабаб бўлади. Шартлашувчи томонлар илтимосига кўра ва миллий қонунчилик рухсат берган чегараларда, мазкур Конвенция қоидаларини кўллаш учун зарур ахборотларни бир-бирларига берадилар.

Баҳодир ЗОИРОВ,
ТДЮИ магистранти

Иштиёқ

Хуррўй табиат шайдоси

Хоразмлик ёш шоирлардан бири ўз шеърларидан бирида: «Хоразмда гул ўстирмоқ осонми?!» дея ёзганди. Гарчи лирик қаҳрамон тилидан айтилган бўлса-да, бу сатрларда ҳақиқат бор. Чунки иқлими инжиқ бу воҳада гул тугул оддий ёввойи янтоқларга ҳам дил меҳрини бермасанг, гуркираши даргумон. Шукурки, қуйи Амударё кишилари ҳавасманд, табиатга меҳрлидирлар.

Қишнинг қаҳратон чилласида мактаб ўқувчиси бўлмиш жажжи қизалоқнинг мўъжазгина томорқасини қудуқдан сув ташиб суғораётганига гувоҳ бўлгандим.

— Баҳорда ариқларга сув келса суғорасан. Нима қиласан ҳозир пақирлаб сув ташиб?! — дегандим унга ачинганимдан. У эса кўзларида жўшқин ғайрати акс этиб:

— Баҳоргача ернинг шўрини ювишим керак. Бўлмаса кўкламда райҳон эксам, кўкармайди, — деб жавоб берганди.

Яқинда шу ҳовли ёнидан ўтдим. Муаттар ифорлар димоққа урилиб, кўнгилни энтиктиради. Демак, райҳонлари барқ уриб ўсяпти. «Қанийди, дея орзулайман қалбимдан, ҳар бир хонадонда улгаяётган бола ана ўша ўқувчи қиздек гўзалликка талпиниб яшаса! Ҳар ер чаман, ҳар тараф бўстон бўлмасмиди ўшанда...»

Бу фикрларимизнинг ҳақлигига урганчлик прокуратура фахрийси Аҳмаджон Собиров қўшилади:

— Болалигимизда кексалар бизга гул экилган ҳовлиларга фаришталар қўнишини айтишарди. Ўсиб турган ҳар бир гиёҳ ва майсани беҳудага юлиш, нобуд қилиш гуноҳ эканлигини уқтиришарди.

Узоқ йиллар Хоразм вилоятида қонунчиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган, юксак унвонларга соҳиб бўлмиш бу ажойиб инсонни воҳада уста гулшунос деб билишади. Негаки, прокуратура соҳасида самарали меҳнат қилиб, қарилик нафақасига чиққач Аҳмаджон ака Урганч шаҳрини кўкаламзорлаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти. Истиқлол йилларида вилоят маркази қисқа даврда тубдан ўзгариб, «Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиги», «Авесто» хиёбонлари барпо этилди. Амир Темур номидаги дам олиш ва истироҳат боғи янада ободонлаштирилди. Мазкур масканларни кўркамлаштиришда албатта, прокуратура фахрийсининг маслаҳатлари, фикр-мулоҳазалари ҳам инобатга олинди.

Ерталаб ишга келаётиб ушбу хиёбон ва боғларни кесиб ўтаман. Ҳар гал Аҳмаджон Собиров гоҳ «Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиги»да, гоҳида «Авесто» хиёбонида каминага дуч келади. Қўлида ё гул уруғи солинган қути, ёхуд гул кўчатлари бўлади. Хиёбон хизматчилари билан қаерга қандай гул экилса, қандай бўлишини фикрлашаётганига гувоҳ бўламан.

Шуниси қувонарлики, Аҳмаджон ака ўз элдошлари қалбига гулга меҳр уйғота оладиган тадбиркор-ташаббускор ҳамдир. Водий томонларда узоқ даврлардан буён анъана тусида давом этиб келаётган «гул базми»ни хоразмликлар учун ҳам эзгу байрамга айланишига туртки берди. Ҳар йилнинг феврал ва март ойларида гул уруғини тўплаш бўйича маҳаллалар ҳамда корхона ва ташкилотлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилади. Бундан 10-15 йиллар муқаддам, бу гуллар Тошкентдан олиб келиниб, Урганчдаги гул бозорларида сотилар эди.

— Бугунга келиб, гул бозорлари, дўконлар анча кўпайиб қолгандай. Бу ерларда нафақат тўй-байрамларда табриклаш учун гулдасталар, балки уй шароитида ўстириладиган гулларнинг хилма-хил навлари сотилади. Талаб кучли, одамлар хонасида гул ўстириш учун пул сарфлаб сотиб ояпти. Демак, уларнинг қалби тиниқлашаяпти, дея фахр ва ифтихор билан гурунг қилади Аҳмаджон ака Собиров.

Мана бу гуллар ҳадемай барқ уради. Уларни биз 9-май «Хотира ва қадрлаш куни»да «Мотамсаро она» ҳайкали пойига қўяжакмиз!

Аҳмаджон ака бу гапларни таъкидларкан «Авесто» хиёбонида шоналай бошлаган атиргулларни қўллари билан сийпалагандай бўлади. Тиниқ табассумни ўз ғунчасида уйғунлаштирган бу гуллар назаримда хуррўй табиат ошиғи — Аҳмаджон аканинг қалбига ўхшаб турарди...

Эрпўлат БАХТ,
«Huquq» мухбири

Хотира

Меҳри қуёш нуридай қутлуғ, васфи таърифга сиғмас яхши инсонлар ҳақида ёзишдан кийнни йўқ экан. Чунки бундай сиймоларнинг бетакрор ва олижаноб фазилатларидан қай бирини санашни билмай лол қоларкансан, киши. 1948 йилда Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Оққамиш қишлоғида туғилиб, 31 йиллик иш фаолиятининг тўққиз йилини ёшлар тарбиясига, йигирма икки йилини вилоятимизда қонун устуворлигини таъминлашга бағишлаган Саидмамат Саидов ана шундай ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Хозир ҳам прокуратура ходиминнинг ҳалоллиги ва поклиги ҳақида гап кетгудек бўлса, Саидмамат Саидовни юксак эҳтиром, фахр ва ифтихор билан эслашади.

Марднинг боши эгилмас

Унинг ажойиб инсоний фазилатлари кўпчилик учун чинакам ибрат намунаси эканлигини таъкидлашади. Бинобарин, тириклик чоғида қилган эзгу ишлари, хайрли ва яхши амаллари билан бир умрга одамлар қалбида муҳрланиб қолиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Саидмамат ўқувчилик йилларида енгил атлетика билан шуғулланди. Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтида ўқиб юрган кезларида тўй даврларида кураш туша бошлади. Кафедра ўқитувчиси Александр Истаминдан кураш сирларини қунт билан ўрганди. Тинимсиз машқлар тез орада ўз самарасини бера бошлади. 1969 йилда «Тошкент оқшоми» газетаси соврини учун ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида Ўзбекистоннинг мутлоқ чемпиони Михаил Радинов устидан ғалаба қозонди. 1970 йилнинг қишида Касби туманининг Миришкор қишлоғида бўлган курашли тўйда Саидмамат елкаси ер кўрмаган Ёмғир, Али ва Ражаб полвонларни маглубиятга учратди. Шу-шу бўлди-ю, Саидмамат «Садам полвон» номи билан элга танилди.

Бир куни Саидмамат Туркманистон республикасининг Керкичи шаҳрида яшайдиган дўстиникига меҳмондорчиликка бориб, ўша ерда бўлаётган курашли тўйга қатнашади. Садам полвон шу тўйда саккиз нафар полвонни юлдуз санатиб, ҳаммани қойил қолдирди. 1970 йилда Саидмамат самбо бўйича, 1973 йилда дзю-до бўйича спорт устаси нормативини бажарди. 1974 йилда эса Қарағанда шаҳрида ўтказилган Ўрта Осиё республикалари мусобақасида бухороча кураш бўйича ғолиблик шоҳсупасининг энг баланд поғонасига кўтарилгани учун Ўзбекистон Республикаси спорт устаси унвонини олди. Шунингдек, 1972 йилда Ростов-Дон шаҳрида самбо бўйича ўтказилган Ҳарбий кучлар мусобақасида биринчи, шу йили Иттифоқ спорт жамиятлари мусобақасида «Динамо» спорт жамияти ҳисобидан қатнашиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. 1973 йилда Витебск шаҳрида ўтказилган беллашувда «Буревестник» спорт жамияти ҳисобидан қатнашиб, бош совринни, 1974 йилда фазогирлар Волков ва Пацаевлар хотирасига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритди. Собиқ Иттифоқ республикаларининг турли шаҳарларида самбо ва дзю-до бўйича ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритиб, юрти номини элга танитди. Малакали устозлар тарбияси остида нуфузли мусобақаларда ҳайқириб олишди. Институтни битиргач, Тошкент Давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номли Миллий университет)нинг физкультура ва спорт кафедрасида ёшларга таълим бериш билан бирга мазкур университетнинг ҳуқуқшунослик факультетида сиртдан ўқиди. Уни тамомлаб ўз фаолиятини мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишлади. Вилоятнинг Муборак, Касби, Чироқчи, Қарши, Косон туманлари прокуратураси идораларида самарали меҳнат қилди.

Прокуратура идораларида ишлаб юрган кезлари ҳам Саидмамат кураш мусобақаси бўлишининг дарагини эшитса, у ерга етиб боришга ҳаракат қиларди. Давраларда номдор полвонлар билан бел олишиб, совриннинг сарасини қўлга киритарди-ю, уларнинг бир қисмини етим-есирларга, мискинларга улашарди.

— Саидмамат ака кураш давраларининг кўрки эди, — дея эслайди Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Шарипов.

— Гарчи бугун орамизда йўқ, кураш майдонларида кўринмаса-да, полвонлик давраларининг чин алпи, номдор полвони саналган Саидмамат халқимизнинг хотирасидан ўчмайди, — дейди вилоят прокурори Эшдавлат Жўраев. — Чунки ҳайқириқларга тўла давраларда ҳалол ва танти кураши билан ном қозонган полвонни эли, халқи сира унутмайди.

Мардлар олишмайди, силтаб отади деганларидек, Саидмамат ака нафақат кураш давраси, балки ҳуқуқшунослик борасида ҳам полвон бўлган. Катта-кичик йиғинларда, тўй ва байрамларда полвон фаолияти билан боғлиқ хотиралар ёдга олинади. Яқинда Касби тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Саидмамат ака Саидов хотира турнири ўтказилди. Бундан мақсад, у кишининг руҳларини шод этиш, қолаверса, ўзбек миллий курашини Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи ҳисобланган мард, танти ва фидойи ёшлар орасида янада кўпроқ тарғиб қилиш. Ўзбек курашида ғайирлик ва ғирромлик йўқ. Омад кулиб боқиб, эпчиллигинг боис қўлинг баланд келдими, ҳалолинг бўлсин. Адолатли, холис, камчиликлардан холи бўлгани учун ҳам ўзбек кураши дунёнинг кўп халқлари меҳрини қозонди. Бу — миллий курашимизнинг ғалабаси, ўзбекнинг ғалабаси.

Машҳур полвон ва ҳуқуқшунос, Касби заминида камол топган Саидмамат Саидов сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бугун у орамизда йўқ. Бироқ, Саидмамат аканинг ёрқин сиймоси шогирдлари, кўплаб мухлислари ва фарзандлари қалбида абадий яшайди.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
журналист

Қизиқарли факт

Инсон миясининг 20 миллиард нерв катакчаларидан ташкил топган бўлиб, бир кунда 96 млн. бит маълумотни эслаб қолиш қувватига эга.

Афоризм

Ақлли бўлиш кифоя эмас, муҳими уни ишлата билишдир.

Р.ДЕКАРТ

Сизнинг фикрингиз қандай?

Ҳурматли газетхон! Газетамизнинг янада мазмунли ва қизиқарли чиқиши Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизга боғлиқ.

Газетамиз саҳифаларида қандай материаллар ўқишни хоҳлайсиз? Сизнингча, биз ҳаётимизнинг қайси жабҳаларини етарлича ёритолмаяпмиз? Балки сизнинг ҳам ўз айтар сўзларингиз бордир.

Таклифларингиз бўлса, бизга кўнгироқ қилинг! Агар бунинг иложини тополмасангиз ёзма шаклда электрон почтамизга ёки Тошкентдаги почта манзилимизга юборинг. Сизлардан келган таклифларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолмайди.

Марҳамат, фикр билдиринг.

Телефон: (371) 133-10-53, 133-98-40
E-mail: huquq@list.ru

Ҳарфларни тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни аниқланг.

Ўтган сондаги ребус жавоблари: бенефициар, инстанция, реабилитация, франшизинг, байналминал, эксперимент

HUQUQ yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib), Pirimqul QODIROV, Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-40, 133-26-62.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflaming fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 756.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5